Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 271 (13.533).

1966 НОЯБРЬ 27 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.



Ҳангарондаги 8. темир-бетон буюмлари заводида саноат корхоналари қурилиши ҳамда қишлоқ қурилишлари учун буюмлар тайёрланади. Суратда: ана шу корхонанинг пешқадам бетончиси Анна Фролова. У смена топшириқларини муттасил ошириб адо этади.

М. Глауберзон фотоси.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯ-НИНГ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, улуғ Ленининг мамлакатни кооперативлаштириш гениал плани асосида вужудга келган колхоз тузуми ўзбек деҳқонларини асрий муҳтожлик ва зулматдан бадавлат, тўқ ва маданий ҳаёт йўлига олиб чиқди.

Бир авлод ҳаёти мобайнида қишлоқларимизда киши ақлини ҳайрон қолдирадиган тубли ўзгаришлар юз бердики, буининг илҳомбахш самараларини эндиликда ҳаммамиз кўриб турибмиз. Яқинда белорус шоири Алексей Русецкий Ўзбекистонда, шу жумладан Фарғона водийсининг Чуст районида бўлди. Бу ердан олган таассуротларини шундай ифодалайди шоир:

— Успиришлик чоғларимни қадимий Чустда ўтказганман, Ўзбекистонга сафарга жўнаётиб дастлабал Чустни кўз олдимга келтирдим. Ростини айтсам бу ерга келгач, уни таний олмадим. Мен кўрган эски Чустдан ном-нишон қолмабди. Асфальт йўллар, икки қаватли иморатлар, магазинлар, парк... У вақтларда буларни ҳаёл ҳам қилолмасдик.

Ҳақиқатан ҳам биргина Чуст эмас, балки республикамизнинг истисносиз ҳамма-ҳамма қишлоқ ва овуллари замонавий, кўркам либосга бурканди.

Ҳозир республикамиз қишлоқларида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг катта бир армияси ишлаб турибди. 8,5 мингдан ортиқ агроном, 7 минг зоотехник ва ветеринария ходими, 6 минг инженер ва техник, 86 минг ўқитувчи, 20 мингдан кўпроқ врач ва ўрта медицина ходимлари — мана шу оташ қалб қишлоқ зиёлилари турмуш маданиятини юксалтириш учун курашнинг байрокдорлари сифатида танилгандирлар. Улар В. И. Ленининнинг қишлоққа маданият киритиш вазифаси — коммунизм ғалабаси учун зарур бўлган замин яратишда энг муҳим проблемадир, деган васиятини бекаму-кўст бажо келтириш учун куч ва ғайратларини, билим ва маҳоратларини аямай сарфлаяптилар.

Бу соҳада Андижон области партия ташкилотининг олиб бораётган ибратли ишлари характерлидир. Қишлоқ механизаторларининг маданиятини юксалтириш масаласи партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Шунинг учун ҳам хозиргача область колхоз ва совхозларнинг ҳаммаси тўла электрлаштирилди. Областда уч йилдан бери иш кўраётган янги жамоат ташкилотлари — бригада ва ферма советлари ишлаб чиқариш ва турмушни яхшилашда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир областдаги 500 та далачилик бригадаси ва фермасида ана шундай советлар самарали иш олиб боряпти.

Областда тажриба тариқасида 33 та йирик хўжаликда колхоз раисининг маданият ва турмуш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари лавозими жорий қилинган. Бу тадбир яхши натижа беряпти. Мазкур хўжаликларда клуб ва кутубхоналар, болалар богча ва яслиларининг иши анча яхшиланди, дала механизаторларининг маданий турмуш кечиришни учун имкони борича яхши шарт-шароит яратиб берилди.

Маданият муассасалари қишлоқ механизаторларида илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Буни ҳисобга олган партия, совет ташкилотлари маданий-оқартув муассасалари сонини кўпайтириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш масаласи билан яқиндан шуғулланяптилар. Ҳозир республикамизнинг қишлоқ жойларида 2730 клуб, маданият уйлари, саройлари, 2820 киноустановка, 4000 дан ортиқ оммавий кутубхона бўлиб, улар жамоатчи активлардан иборат катта кучга таянган ҳолда иш олиб боряптилар, қишлоқ механизаторлари орасида оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳазорасп районидаги машъал «Коммуна» колхози маданий оқартув муассасалари фаолияти бунга мисол бўла олади. Ҳўжаликда ишлаб чиқариш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларда уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Чунки колхозда ишлаб чиқариш планининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш юзасидан оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни олиб бориш билан бирга меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатаётган жонкуярлар кўп. Жумладан, қишлоқ кутубхонаси ва унинг мудири С. Юнусова ҳар бир колхозчи хонадонининг кутубхонага аъзо бўлишини таъминлашга интиляпти.

Кутубхонада бадиий, ижтимоий, илмий ва табиётнинг турли соҳаларига доир адабиётлар мавжуд бўлиб, бу китоблар ҳамиша қўлма-қўл ўтиб туради. Мажтаб ўқувчиларидан ташкил топган жамоатчи китоб тарқатувчилар колхоз хонадонларини ўзаро бўлиб олишган. Улар янги адабиётларни, қизиқарли асарларни колхозчилар хонадонига ўзлари олиб келиб беришади. Шу боисдан ҳам бу ерда деярли ҳамма хонадон китобхондир. Колхозда айрим асарлар юзасидан конференциялар, мусоҳабалар бўлиб туради.

Айни пайтда барча хўжалик, партия, совет органларининг раҳбарлари ҳам колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг ғоявий-маданий савиясини ошириш учун қишлоқлардаги маданий оқартув ишини кучайтириш ғоят муҳим эканлигини яхши тушуниб етганлар, деб бўлмайди. Шунинг оқибатида китобхонлар билан оммавий иш уюштирмаётган, меҳнаткашларнинг кенг табақалари орасида китобни пропаганда қилмаётган кутубхоналар оз эмас, уларда китоб фонди оз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми 1970 йилга қадар қишлоқларда хутор системасини тугатиш, аҳоли яшайдиган барча пунктларни қайта қуришни тугаллаш, ҳамма қишлоқларни шаҳар типидаги посёлкаларга айлантириш вазифасини қўйган эди. Утган йиллар мобайнида республика партия ташкилотлари ана шу вазифани бажара борib, колхоз ва совхоз қишлоқлари қиёфасини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлдилар. Бироқ, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик, бутун диққат-эътиборни ишлаб чиқариш планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга, қишлоқда маданий ҳаётни барқ уриб гуллаб-яшнатишга қаратиш даркор.

Бу соҳада Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон Автоном Республикаси партия, совет, жамоат ташкилотлари зиммасига катта вазифалар тушади. Чунки бу жойларда ҳамгача аҳолиси яшайдиган пунктлар тарқоқ, кутубхоналар қишлоқ меҳнаткашларининг билим қароргоҳига айлантирилганича йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми тегишли партия, совет ташкилотлари олдига беш йиллик охирига қадар аҳоли яшайдиган барча пунктларда маданият ўчоқлари очишни таъминлаш вазифасини қўйди, ҳамма маданий-оқартув муассасаларининг ишини қизғинтиб юборишни, уларнинг иш формаси ва методлари хилма-хил бўлишини таъсирчан чоралар кўришга даъват этди.

Халқимиз шонли айёмларни — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамларини меҳнат ва маданий турмушда улкан муваффақиятлар билан нишонлаш учун зўр тайёргарлик кўрмоқда. Бу улуғ байрамларга тайёргарлик кўриш жараёнида шу нарсага ҳам эришайликки, ҳар бир клуб, ҳар бир кутубхона қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотларининг таянч пунктлари бўлиб қолсин.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

СОВЕТ СТАНОКЛАРИ ВИСТАВКАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Москвадаги «Сокольники» маданият ва истироҳат паркида Совет прецизион станоклари, пресслар, қуйиш машиналари ва инструментлар выставкаси ўз ишини давом эттирмоқда.

26 ноябрда А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов ўртоқлар выставкани келиб кўрдилар. Станоксозлик ва инструментал саноат министри А. И. Костоусов уларга изоҳ бериб турди.

А. Н. КОСИГИННИНГ АБДИЛ ҲАКИМ АМИР БИЛАН ОХИРГИ СУҲБАТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 26 ноябрда Кремлда Бирлашган Араб Республикаси президентининг биринчи ўринбосари маршал Абдил Ҳаким Амир билан якунловчи суҳбат ўтказди. Бу суҳбат дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров ва Бирлашган Араб Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Мурод Голиб қатнашдилар.

А. Н. КОСИГИН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Касаба союзлари Марказий комитетлари, республика, ўлка ва область советларининг Бутуниттифоқ семинарида қатнашган раисларини, шунингдек ВЦСПСнинг масъул ходимларини 26 ноябрда Кремлда қабул қилди.

Ҳамма томонидан самимий кутиб олинган А. Н. Косигин 1966 йил халқ хўжалиги плани бажарилишининг дастлабки якунлари ва келгуси йилда мамлакат экономикасини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин қатнашди. (ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ГАЗ КОНИ ИШГА ТУШДИ

ҚАРШИ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Кеча, шанба куни Муборак посёлкасида тантанали митинг бўлиб ўтди. Митинг Муборак газ конининг ишга туширилиши ва Муборак — Зирабулоқ газ қувурининг қуриб битказилишига бағишланган эди.

Митингда Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Асомов, «Каршинефтегазразведка» трестининг бошқарувчиси М. Урумов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Косон нефтьгазразведка» экспедициясининг участка бошлиғи Хайрулла Темиров ва бошқа ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Қашқадарё ва Бухоро областларида ишлаётган оловкорлар улуғ Октябрнинг 50 йиллигини янги зафарлар билан кутиб олишга отланганлар.

З. ИСРОИЛОВ.

Улуғ Ватан урушида ҳалоқ бўлган жангчиларга ўрнатилган ёдгорлик ёнида.

Г. Муҳамедов фотоси.

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

Хоразмда Улуғ Ватан урушида ҳалоқ бўлган жангчиларга ёдгорлик ўрнатилди

Бир неча кундан буён колхоз истироҳат боғи одамлар билан гавжум. Бўйиниларига қирмизи галстук тақиб олишган пионерлар, невараларини етаклаган ғуровли қариялар, йигитлар ва қизлар бу ерга келиб-кетиб турибдилар.

Кишилар бугун колхоз боғига сайр-томоша учун эмас, балки Улуғ Ватан урушида ҳалоқ бўлган қаҳрамонларнинг ёрқин хотирасини эъзозлаш, уларга атаб ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилиш учун келяптилар.

... Мана, жажжигина қизча қўлида гулчамбар билан ёдгорлик ёнига яқин келди. Мармарга зарҳал ҳарфлар билан ёзилган номларни кўздан кечира бошлади.

— Исминг нима, қизим?

— Муяссар.

— Нечанчи синфда ўқийсан, қайси фамилияни излаяпсан?

— Учинчида ўқийман. Мана, топдим: Қўшаев Сафо.

Муяссар собиқ қишлоқ совети раиси Сафо Қўшаевнинг невараси экан. Сафо аканинг ўғли Исмоил ҳозир шофер, қизи Дилбар колхозчи. Фарзандлар ва невaралар қаҳрамон отанинг номини абадийлаштирган ёдгорлик ёнига гулчамбар қўйдилар.

Пошшо момонинг кўзларидан томган ёш юрагидаги эски жароҳатнинг аломати эди. Қозоқ ота кампирига тасалли берди:

— Уч ўғлимизнинг ҳам номларини олтин билан битишибди. Жуманиёз ҳам, Ҳайитбой ҳам, Қурбонбой ҳам эл-юртнинг ҳурматига абадил-абад сазовор бўлгани шу. Кўряпсанми, «қаҳрамонлар ўлмайди» дейилгани бежиз эмас экан. Иягини қўй, фарзандларимиз билан фахрланайлик.

Ёдгорлик ёнида тўпланган кишиларнинг чеҳраларидаги қаяжонни ҳис қилиш қийин эмас. Ватан учун жонларини фидо қилган йигитларнинг қариндош-уруғлари, яқин кишилари, ҳамма ҳам кўзларига ёш олишлари табиий ҳол. Маргумлар учун қайғуриш кисоний ҳиссиёт-ку, ахир. Лекин, ирода кучи, диллардаги ифтихор қайғу-аламни босиб кетди. Мармарга нақш этилган ва қуёш нурида заррин ярқираб турган уч юздан ортиқ жангчининг номлари қаҳрамонлик лавҳалари каби мангу ўчмас бўлиб тарихда қолади. Уларни даврлар, авлодлар эслайди. Бундан ортиқ шараф борми!

Ёдгорликнинг биринчи гиштини шу йил 9 майда — Ғалаба байрами кунида қўйилган эди. У қисқа муддатда қад кўтарди. Лойиҳа автори ва ҳайкалтарош Аркадий Дмитриевич Казарин тасвирларни ўткир дид ва эҳтиёт билан ишлаган. Айниқса кўкрагидан ўқ еган солдат ҳамда қўлида автомат ва байроқ билан олга бораётган қассосқор жангчи образлари жонли, ёрқин яратилган. Мармарга битилган қуйидаги сўзлар узоқдан кўзга ташланади:

— Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалоқ бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия комитети колхозчилар билан бамаслаҳат амалга оширган олижаноб иш ҳамма томонидан қўллаб-қувватланди. Колхоз қишлоғидан Улуғ Ватан урушида қатнашиб ҳалоқ бўлган жангчиларга ўрнатилган ёдгорлик ҳалқимизнинг содиқ фарзандларига обида бўлиб қолади.

26 ноябрь. Ёдгорлик қошида фахрий қоровул саф тортди: Совет Иттифоқи Маршали А. И. Еременко ёдгорликни очади, Оркестр Совет Иттифоқи Гимнини ижро этади. Фахрий қоровул уч марта салют беради. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко абадий гулҳанни ёқади. Шундан кейин ёдгорлик ёнига гулчамбарлар қўйилади.

Совет Иттифоқи Маршали А. И. Еременко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко, армия генерали А. А. Лучинский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Совет Иттифоқи Маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. И. Еременко ўртоқлар сўзга чиқадилар.

Митингда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко, армия генерали А. А. Лучинский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Совет Иттифоқи Маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. И. Еременко ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Митинг ёпиқ деб эълон қилинади. Оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Гимнларини ижро этади.

Ф. ЗОҲИДОВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети ерларни шудгорлаш юзасидан областлар ва Қорақалпоғистон АССР ўртасида давом этаётган социалистик мусобақанинг ноябрь ойи бешинчи беш кунлиги якунларини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғини **Қашқадарё областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Асомов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **И. Жалилов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Муртазоев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ф. Раҳмонов** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Ф. Мусин**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Н. Рижков**) бердилар. Бу область шудгорлаш планини 43,7 процент бажарган. Беш кунликда планга нисбатан 20,1 процент майдон шудгор қилинган. Байроқ Тошкент областидан олиб берилди.

Хоразм ва Сирдарё областларида ерларни ҳайдаш иши яхши ташкил этилганлиги қайд қилинди.

Шоли плани бажарилди

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Термиз районининг меҳнаткашлари давлатга шоли сотиш планини ошириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Улар 1590 тонна ўрнига 1594 тонна шоли сотдилар. Бундан ташқари давлатдан уруғлик фонди учун олинган 438 тонна шоли ҳам қайтариб давлат омборларига топширилди.

«Погроничник», «Искра», «Рассвет» колхозлари давлатга шоли сотиш планларини анча ошириб адо этдилар. И. Ким ранс бўлган «Погроничник» колхозининг аъзолари 365 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан шоли олдилар. Районда давлатга шоли сотиш давом этмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

БИНОКОР

Хўжабод районидаги Димитров номли колхоз посёлкаси ҳам яқин ўтмишда Ўзбекистондаги юзлаб қишлоқлардан унчалик фарқ қилмасди. Пахса девордан тикланган ва қамиш ёпилган уйлар қишлоқнинг асосий «кўрки» эди. Ҳом гиштдан тикланган иморатлар жуда кам учрарди.

Колхоз посёлкаси эндиликда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Кенг ва равон кўчалар, кўркам иморатлар, дарахтлар қишлоқ чиройига чирой қўшиб турибди. Йўллар ва йўлкалар асфальтланган. Шиферли томлар қишлоққа файз бағишлаб турибди.

— Қишлоқларни бош план асосида қайта қуриш давом этмоқда, — дейди колхоз правлениесининг раиси Шомурод Алимов.

Димитров номли колхоз — бадавлат хўжалик. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан сўнг хўжаликнинг даромади анча ортди. Ўтган йили 2 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Колхозда қурилиш ишлари ва ободончиликка катта аҳамият берилаётганлигининг сабаби ҳам шу. Пахтачиликдан айниқса кўп даромад олинмоқда. Пахтакор — қишлоқда энг эъзозланган касб эгаси. Бироқ кейинги вақтларда яна бир касб — ҳунар эгалари кўпчилик ўртасида катта иззат-икромга сазовор. Булар — қишлоқ жамолига сайқал берувчи бинокорлардир.

Колхоз далаларининг кўплаб соҳибкорлари ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишган. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлганлари ҳам кўп. Булар даврасида бинокорлар ҳам борлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Хўжабод район колхозлараро қурилиш ташкилотининг таниқли бригадири Асқар Қамбаровнинг кўкрагини ҳам қаҳрамонлик нишонлари безади. Асқар Димитров номли колхозда истиқомат қилади. Шу колхознинг янги посёлкасини барпо қилишда актив қатнашганлардан бири.

Асқар Қамбаров бошчилик қилаётган бригадада 15 киши ишлайди. Булар — кечаги пахтакорлар, чорвадорлар, мактаб ўқувчилари. Улар бинокорликка оид кўпгина ҳунарларни эгаллаб олишган. Коллектив комплекс бригадага айлантирилган, хўжалик ҳисоби асосида ишлайди. Бинокорлик касбининг ўзи ҳам ўзгариб кетди дейиш мумкин. Аслини олганда, бинокорларнинг бурчи, улар амалга ошираётган ишлар миқёси деқиёс бўлиб қолди. Қурилишда асосий ишларни бажаришда минора кранлари, экскаваторлар, бетон қорув агрегатлари, механик арралар ва бошқа механизмлар бинокорларнинг ўнг қўли бўлиб қолди. Колхозлараро қурилиш ташкилотининг бинокорлари шаҳар типидаги уйлар қуришмоқда. Ҳамма жиҳатдан қулай бўлган бинолар тиклашади. Иигма темир-бетон ва пластмасса буюмларидан қурилишда кенг фойдаланилмоқда. Қурилиш ишлари пудрат усулида, комплекс равишда ва бош план асосида олиб борилаётганлиги нур устига нур бўляпти. Типовой лойиҳалар колхоз ҳаётига сингиб бормоқда.

Ўртоқ Қамбаров дастлаб гишт терувчи ва сувоқчи бўлиб ишладн. Бой тажриба тўплади. У ўз касб-ҳунарини бошқаларга жон-дилдан ўргатди. Иброҳим Қурбонов, Абдумалик Мамадалиев, Қўчқор Юсупов, Ғанижон Мирзаев каби хамқишлоқлари Асқарга эргашиб, бинокорликни ўрганиб олишди. Билганларини бошқаларга ҳам ўргатишди. Шу тариқа қишлоқда қурувчилар кўпайиб қолди. Қурувчилар бригадаси ташкил этилди. Унга колхознинг қалдиргоч бинокорларидан бири Асқар Қамбаров раҳбар қилиб тайинланди.

А. Қамбаров бошлиқ бригада азаматлари ўтган етти йилликда гайрат кўрсатиб ишладилар. Бригада бошлиғи ўртоқ А. Қамбаровга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Бригада коллективи Димитров номли колхозда 51 уй-жой биноси, ёрдамчи хўжалик биноларн, болалар богчалари қурди. Свердлов номли колхозда улкан мактаб биноси барпо қилинди. «Пахтакор» колхозида муҳташам мактаб ҳамда ремонт устахонаси қуриб фойдаланишга топширилди. Димитров номли колхоз аҳолисининг қариб ярмиси янги тикланган иморатларда истиқомат қилмоқда. Улар яшаётган уйлар 3-4 хонали бўлиб, бог-ҳовлига, газ плитали ошхонага, ҳаммомга эга.

И. АХМЕТОВ,

Андижон область колхозлараро қурилиш трести.

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, учинчи стун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	4,3	62,0	Бухоро	3,2	28,8
Самарқанд	3,0	54,5	Фарғона	2,6	25,1
Хоразм	7,4	50,4	Сурхондарё	1,6	12,8
Сирдарё	4,1	44,3	ҚҚ АССР	0,8	12,7
Қашқадарё	4,2	43,7			
Андижон	3,4	35,7	Республика бўйича:	3,3	39,2

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Коммунистларни ва барча кадрларни ғоявий чиниқтиришда пропагандистларнинг роли, масъулияти ғоят катта. Пропагандистлик — талант ва маҳорат талаб этадиган ижодий иш. Бу шарафли касбга меҳр қўйган киши ўз сиёсий билимини, малакасини тинмай ошириб бориши, улуғ эътиқодни — марксизм-ленинизм таълимотини тингловчиларга сингдириш санъатига эга бўлиши зарур.

Партия пропагандаси ишини яхшилаш ҳамда пропагандистларга назарий ва методик ёрдам кўрсатишда партия комитетларининг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари муҳим ўрин тутади. Урганч шаҳрида қурилган ва ишга туширилган уч қаватли чиройли, муҳташам бино — область партия комитетининг сиёсий маориф уйи пропагандистларнинг маҳорат мактабига айланди.

Сиёсий маориф уйида КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, марксча-ленинча фалсафа, илмий атеизм, халқаро муносабатлар, партиявий-ташкилий ишлар, халқ хўжалиги экономикаси кабинетлари ишлаб турибди. Фундаменталь кутубхона бор. Кабинетлар, кутубхона ва ўқиш зали ҳар куни кишилар билан гавжум бўлади. Китоб жовонларида марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, дарсликлар, ўқув программалари, кўргазмали қуроллар, пропагандистлар учун зарур ҳар хил адабиётлар мавжуд.

Сиёсий маориф уйида пропагандистлар махсус тайёргарликдан ўтдилар, курсларда ва семинарларда малака оширдилар. Пропагандистларнинг республика методик конференцияси, илмий-иқтисодий конференциялар, бошланғич сиёсий мактаб, сиёсий таълимнинг ўрта ва олий звенолари пропагандистларининг семинарларида марксизм-ленинизм назариясини, унинг таркибий қисмларини ўрганишнинг туб масалаларига катта эътибор берилади.

Энг яхши пропагандистларнинг тажрибаларини оммалаштириш соҳасида анча иш қилинди. Шовот районидаги «Ленинизм» колхозининг бошланғич сиёсий мактаб пропагандисти, агроном Ш. Рачкабов тингловчиларга китоб устида қандай ишлаётгани ва конспект олишдаги тажрибасини сўзлаб берди. Янгиариқлик пропагандист, кекса журналист Ж. Оллаберганов темани ҳаёт билан боғлаш масаласи ҳақида гапирди. Шовот райони қишлоқ хўжалик бошқармаси бошланғич партия ташкилотида пропагандист бўлиб ишлаётган Н. Муҳаммаджонов экономикани чуқур ўрганиш соҳасидаги ўз тажрибаларини ҳикоя қилиб берди. Пропагандистлардан А. Хидиров, К. Қулматов, Ким Ден Ик ўртоқларнинг суҳбатлари ҳам зўр қизиқиш билан тингланди.

КПСС тарихи бўйича пропагандистларнинг бир ҳафталик семинари айниқса қизиқарли ўтди. Унда 120 пропагандист қатнашди. Область партия комитетининг секретари Р. Жуманиёзов «Коммунизм қурилишида КПСС раҳбарлик ролининг ўсиб бориши», тарих фанлари кандидати М. Маткиёзов «Марксизм-ленинизм пролетариат диктатураси тўғрисида», область план комиссиясининг раиси А. Матёқубов «КПСС XXIII съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планининг асосий социал-иқтисодий вазифалари тўғрисида» ўқиган лекциялар диққатга сазовордир.

Пропаганданинг техника воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Кино аппарати, фильмоскоп, магнитофон ва бошқа асбоблар билан жиҳозланган махсус кабинет бор. Мазмунли лекциялар лентага ёзиб олинади.

Методик совет «Китоб устида ишлаш методи», «Конспект олишни ўрганиш», «Мустақил ўқиш — партия ўқувининг муҳим формаси», «Машғулотга қандай тайёрланиш керак?» деган темаларда материаллар комплектини сиёсий мактаб раҳбарларига тайёрлаб жўнатди. Ўқув программаси, якка ва коллектив ишлаш учун тематика, ўқув қуроллари ва материаллар ўз вақтида етказиб берилади. Пропагандистларнинг область фахрий китоби таъсис этилди, ҳозиргача унга энг яхши 14 пропагандистнинг номи ёзилди.

Сиёсий маориф уйида ҳар гал навбатдаги тема бўйича виставка ташкил этиш, рефератларни муҳокама қилиш, ижодий мунозара, назарий конференция, консультация каби методлардан фойдаланиш планлаштирилди. Лекторий ва доимий семинарлар иши ҳам такомиллаштирилмоқда.

Областимиз партия ташкилотлари ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрдилар. Тингловчиларни сиёсий таълимнинг муайян звеноларига жалб этишда коммунистларнинг ва партиясиз кадрларнинг билим савияси, истаклари эътиборга олинди. Сиёсий маориф уйини пропагандистларнинг ғоявий чиниқиш ва маҳорат мактабига, марксизм-ленинизм назариясини ўрганувчиларга яқиндан ёрдам берадиган даргоҳга айлантирмоқ учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм область партия комитети сиёсий маориф уйининг мудири.

Тошкент қурилишининг муаммолари

ПАЛА-ПАРТИШ ПЛАНЛАР

«Главташкентстрой»нинг йирик панеллардан уй-жой қурувчи 1-тресги ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, трест коллективи ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг муҳим эканлигини чуқур англаб, баракали ишламоқда. Ўтган давр мобайнида 162 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Пландагига нисбатан 375 квартира кўпроқ қурилди. 247 минг сўм фойда кўрилди. Қурилиш таннархи 8.5 процент арзонлаштирилди.

Ютуқларимиз янада каттароқ бўлиши мумкин эди. Аммо қурилиш майдонларида иш кўнгилдагидек ташкил этилмаяпти. Машина-механизмлар қувватидан яхшироқ фойдаланилмаяпти. Масалан, 2-қурилиш бошқармасидаги бетон-қоришма узели гоҳо ишлаб, гоҳо тўхтаб тургани учун қурилишларга бетон ва қоришма етишмаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Трест бошқармаларида қурилиш сифатига ҳали ҳам жиддий эътибор берилмаяпти. Биз йўл қўйилган камчиликларни трест партия бюросида ҳар томонлама муҳокама қилиб, зарур тадбирларни белгилаб олдик. Тошкент аҳолисига шинам, қулай ва чиройли уй-жойлар туҳфа этиш ҳаракатидамиз.

Аммо трестга боғлиқ бўлмаган бир қанча масалалар ҳам борки, уларни юқори ташкилотларнинг аралашуви билан ҳал этиш мумкин. Чунончи, ҳанузгача ҳам биз 7 миллион сўмлик қурилиш ишлари учун техник ҳужжатларга эга эмасмиз. Ана шу қурилишлар учун майдон ҳам ажратилмаган. Бу йилги планга кўра Қорақамиш массивида уйлар қуришимиз керак эди. Лекин планнинг пала-партишлигини қарангки, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси ана шу массивларда уй-жой қуришни Навоий шаҳридан келган бинокорларга топшириб қўйган. Яна бир мисолни келтириб ўтиш ўринли бўлар. Планда Қўйлиқ посёлкасида уй-жой қуриш кўзда тутилган. Лекин бу қурилишлар учун на яланг майдон бор, на техника ҳужжатлари. Бу йилги планда минора типидаги уйлардан Д-19 микрорайонида қурилиш олиб бориш мўлжалланяпти. Бу план ҳам кўзни чирт юмиб тузиб юборилган эди. Суриштириб кўрсак, минора типидаги уйлар учун техника ҳужжатлари нари борса 1968 йилда тайёр бўлар экан.

Трест коллективи бор имкониятларни ишга солиб ўз кучи билан бу йил 4,5 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариши мумкин. «Главташкентстрой» эса бор барака деб қурилиш ишлари планини 10,2 миллион сўм қилиб белгилаб юборган. Таваккалчилик ҳам эви биланда. «Главташкентстрой»даги ўртоқлар бу планнинг бажарилмаслигини, хўжа кўрсинга тузилганлигини кўра била туриб, шундай қилмоқдалар.

Трестимиз материал ва конструкциялар билан ҳам ўз вақтида таъминланмаётир. Цоколь блоклар, арматура, бетон ва қоришмага бўлган эҳтиёжимиз 30-45 процент қондириляпти, холос. Бунинг устига цоколь блоклари комплект бўлмаган ҳолда юборилаяпти. Июнь-октябрь ойлари мобайнида 80 та уй-жой учун цоколь блоклари, 60 та уй-жой учун арматура кам етказиб берилди.

Магазинлар ва ёрдамчи бинолар қурилиши учун темир-бетон буюмларни ҳам вақтида олмаяпмиз. Шу боисдан ҳам Г-11, Г-10, Г-9 секторларида магазинлар қурилиши кечикиб кетмоқда.

Энди 1967 йилга мўлжалланган план ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Биз янги йилда 54 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришимиз керак. Лекин 15 миллион сўмлик уй-жой, 16 болалар боғчаси, янги мактаб қурилишлари учун техника ҳужжатлари йўқ. Майдонлар ажратилмаган. Планлаштиришдаги пала-партишлик шу тариқа кетаверса янги йилда ҳам қайтариладиганга ўхшайди. Ўйлаймизки, «Главташкентстрой» раҳбарлари бизнинг юқоридаги мулоҳазаларимизни эътиборга оладилар. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси ҳам трест эҳтиёжларини ҳисобга олса керак.

Қ. ЗУФАРОВ,
Йирик панеллардан уй-жой қурувчи 1-трестнинг бошқарувчиси.

Андижон область, Ленин районидаги «Коммунизм» колхозида партия ўқуви шохобчаларида тажрибали пропагандистлар машғулот ўтказишади. Суратда: Низомиддин Юсупов ва Маъруфжон Мирзаев (ўнгда)лар навбатдаги машғулот олдидан.

С. Безносов фотоси.

Ахлоқ мавзуида

ҲАЗАР ҚИЛИНГ!

Редакция адресига келган мана бу хат диққатимизни тортди. Конвертнинг адресини ўқидик: Бухоро область, Вобкент районидаги Карл Маркс номли колхоз.

Адрес бўйича йўлга чиқдик. Топдик, бир эмас, икки онани хўрлаган тантиқ ўғилни топдик. Исми-шарифи Ризо Жўраев, ёши йигирма тўққизда, КПСС аъзоси, касби... э, буёғини сўраманг!

Иттифоқо, Ризони биринчи бор Шофирконда бўлган катта бир тўйда отарчилик устида кўргандик. Тўй авжида, даврада қорачадан келган, ёшгина бир жувон «Қилпиллама»га ўйнарди. Ризо деганимиз жувоннинг рафторига қараб доира чалади, сўнг рубоб чертиб, ашула бошлайди:

Янги ёр топганда дўстлар,
Эскидан кечмоқ керак...

Бу мисралар худди Ризонинг таржимаи-ҳолидан олингандай. Ризо боягй жувон Қумри Ўринбоева билан Шофиркон халқ театрида ишлаб юрганида танишган экан.

Қизиқ. Қумрининг ўзи бир йил олдин Каттақўрғондан саёқ бир отарчи йигит — Луқмон Турсуновга эргашиб, Шофиркон театрига келганди. Йигит бир кечада ғойиб бўлди.

— Униси эмас, буниси, — деди жувон маникюрнинг рангига ботириб олингандай қип-қизил лабларини чўччайтириб.

Ризо ҳам узоқ ўйламади. Қумрининг сурбетлиги унга ҳусн бўлиб кўринди. Қумри-ку, ўзига чап бериб кетган йигитнинг қасдига, унинг пасткашлигига дарров пасткашлик билан жавоб қилди, лекин Ризо бу икки сурбетдан юз тубан тушди. Ахир, уйида сухсурдай хотини — уч фарзанднинг онаси, вафодор Ҳалимаси туриб-а?

— Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, жоним. ЗАГС қилиб оласиз, — деди Қумри қийшанглаб,— бўлмаса тўйларга ўша Ҳалимангизни обчиқинг, ўшани ўйинга солинг. Қорни пачоқ бир рубоб билан даврада қизитиб, пул топиб бўпсиз!..

— Ахир, бир марта ЗАГС кўрган одамман... Қандоқ бўлади?

— Ҳечқиси йўқ, йўлини топамиз, — деди аёл.—Мусофир шаҳарга борамиз, тўйни ўша ёқда ўтказамиз.

Шундай қилишди. Каттақўрғонда улар биринчи бор ЗАГС кўраётган куёв-келинлардай қимтиниб, никоҳдан ўтишди.

Мана уч йилдирки, Ризо ўзи туғилиб ўсган хонадонга қадам босмайди. Катта оила уни кутади. Ҳалима унинг инсофга кириб қайтишига ҳали-ҳали интизор. Филбардошли отаси тантиқ ўғил туфайли эл-юрт олдида номусга қолиб, кўчага чиқмай қўйди. Онаизори Ризонинг йўлларига узоқ кўз тутди. Кута-кута она оғир дардга чалинди. Унинг бирдан-бир даъвоси — фарзанд дийдори эди. Тушида ҳам, ўнгида ҳам Ризо.

Жўрабой ота кампирнинг йиғисига чидай олмай, ўтган йил қишда ўғлини излаб Каттақўрғонга келди. Ризо билан Қумри Каттақўрғон район маданият уйи ҳузуридаги ҳаваскорлар тўгарагида ишлашарди.

— Уйга юргин болам, онанг сўраяпти сени... — кўзига ёш олиб деди ота, — жони ҳалқумида турибди.

Ўғил ўтирган жойда оёқларини чалиштириб, деди:

— Кампирга айтинг, йиғламасин. Гап бундай, бобой, сиз ҳозироқ изингизга қайтиб кетасиз. Биз келинингиз билан бу кеч ўтказадиган бир тўй бор. Ташлаб кетиб бўлмайди, пулини аввалдан олиб қўйганмиз.

Ота кетди. Онаизор кута-кута бетобланиб қазо қилди. Онанинг кўмиш маросимлари ўтди, ҳали-ҳали ўғилдан дарак йўқ.

Яқинда Вобкент район партия комитети Рудакий номли мактаб партия ташкилоти ҳисобидан чиқмай, (Жўраев бу мактабда ҳам 3 ой музика ўқитувчиси бўлиб ишлаган эди) ғойиб бўлган Ризо Жўраевни чақиртирди. Таниш-билишлари Ризо уйига тушиб хотин-боласини кўрар, она қабрини зиёрат қилар, уни қадрлай олмагани учун ўксиб-ўксиб йиғлар, деб ўйлашган эди. Лекин саёқ Ризо тўғри район меҳмонхонасига келиб тушди. Эрталаб шу ердан район партия комитетига учрашди.

Ўша куни Ризо Жўраев билан яна рўбару бўлдик. У партия бюросидан чиқаётган экан.

— Нима бўлди? — деб сўрадик.

— Ҳеч гап йўқ, партиядан ўчиришди, — деди у илжайиб.

Ҳеч гап йўқ эмиш... Сурбетлик ҳам шунчалик бўладими? Ризо учун хотини ва уч фарзандидан кечиш — ҳеч гап эмас, пул кетидан қувиб, сатанг хотинга уйланиш — ҳеч гап эмас, онаизорнинг вафоти — ҳеч гап эмас.

Ҳурматли газетхонлар, бундай одамсифат, лекин одамийликнинг кўчасидан ўтмаган кишилардан сиз ҳам ҳазар қилинг, уларни яқинингизга йўлатманг!

А. ҲАСАНОВ,
«Пахта учун кураш» газетасининг редактор ўринбосари.
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Бухоро область мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОР ТАЖРИБА—ҲАММАГА!

Чироқчи район меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда бу йил бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Район халқ контроли комитети бу вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатди. Район халқ контроли комитети ер ва техникадан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни кучайтириш устидан доим назорат қилиб турибди.

Район халқ контроли комитети ўтган ўн ой ичида 72 марта текшириш ўтказди. Бу текширишларнинг якунлари комитет мажлисларида, партия-совет органларида муҳокама қилинди, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига қараб чиқиш учун топширилди.

Халқ контролининг штатсиз бўлимлари ва группалари комитетнинг ишида фаол қатнашмоқда. Бундай бўлим ва группалар сафида 1294 контролёр ишлаб турибди. Штатсиз бўлим ва группалар ўтказаётган текширишларда ишлаб чиқариш илғорлари бўлган мутахассислар, активлар қатнашмоқда.

Контролёрлар текшириш бошлашдан аввал илгари ўтказилган текшириш ҳужжатлари ва материалларини ўрганмоқдалар. Совхоз, колхоз ёки корхоналарнинг группалари иштирокида ўрганилиши керак бўлган масалалар доираси аниқлаб олинмоқда. Хўжалик ёки корхоналарнинг коллективлари текшириш ўтказилажаги, уни ўтказишда кўзда тутилган мақсад ҳамда муддатлари ҳақида олдиндан хабардор қилиниб, аризалар, таклифлар тўплаш учун қутилар осиб қўйиляпти.

Текширишларнинг шу тариқа ташкил этилиши комитет ишининг таъсирчанлигини кучайтиришга ёрдам беряпти. Чунончи, халқ контроли группасининг сигнали билан «Ленинград» колхозининг 1965 йилги статистика ҳисоботи таҳлил қилиб чиқилди. Бу колхозда гектар бошига олинадиган пахта ҳосилдорлиги 2,3 центнер камайиб кетган, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи қимматлаштириб юборилган. Колхознинг олаётган даромадлари 300 минг сўм камайиб кетган.

Текшириш давомида колхознинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Минерал ўғитлар бир маромда тақсимланмаган, ем-хашак тайёрлаш, маҳаллий ўғитларни ерга солиш ва ирригация шохобчаларини тозалаш тўғрисида берилган ахборотларда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Техникадан яхши фойдаланилмаган.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши текшириш натижаларини муҳокама қилди, район партия комитети текшириш натижаларини қараб чиқиб, колхоз раиси ўртоқ Намозовга ва партия комитетининг секретари ўртоқ Хидировга қаттиқ жазо берди ҳамда аниқланган камчиликларни йўқотиш чораларини белгилади.

Оммавий рейд-текширишлар ўтказиш яхши натижалар бермоқда. Пахта йиғим-терими даврида халқ контроли комитети район партия комитети билан келишиб, колхозлар ҳамда баъзи совхоз бригадаларида пахтанинг нобуд қилиниши ва молларга едирилишига қарши кураш юзасидан бир қанча оператив группа ва 24 та муваққат пост тузди. Бу оператив группа ва постлар пахта тайёрлашни ўз назоратлари остига олишди. Аниқланган камчиликларни йўқотиш чораларини кўрди.

Комитетнинг деҳқончилик ва сув хўжалиги, чорвачилик, план-молия органлари бўйича штатсиз бўлимлари ва бошқа бўлимлар қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назоратни тўғри уюштириб, партия ва ҳукумат директиваларини бажариш устидан контроль олиб боришда катта ишлар қилмоқдалар. Комитет қабул қилинган қарорларни такрор текширишдан ўтказар экан, бу ишга халқ контролёрларини кенг жалб қилмоқда.

Қилинган ишларнинг натижаларини кенг эълон қилиш комитет ишига амалий жиҳатдан ёрдам беряпти. Матбуот, радиодан, коллективларнинг йиғилишларидан моҳирлик билан фойдаланилмоқда. Текшириш материалларига қараб «Халқ контроли овози» деворий газетасининг 82 та сони ва 120 та сатирик варақалар чиқарилди. Комитетнинг кўпгина қарорлари йиғилишлар ва ишлаб чиқариш кенгашларида коллективларга маълум қилинди.

Район халқ контроли комитети ишида камчиликлар ҳам мавжуд. Халқ контролёрларининг ўқиши мунтазам олиб борилмаяпти, штатсиз инспекторларнинг ҳаммаси ишда қатнашяпти, деб бўлмайди. Бир қанча ҳолларда халқ контроли группалари, айниқса муассасаларнинг халқ контроли группалари яхши ишламаяпти, ўз фаолиятининг натижали бўлишига эришмаяпти. Группаларнинг ижобий иш тажрибаси камдан-кам ўрганилади ва оммалаштирилади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети Чироқчи район халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисидаги материалларни муҳокама қилиб, текширишларнинг таъсирчанлигини таъминлаш ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан контролни ташкил этиш соҳасидаги иш тажрибасини маъқуллади.

Бир шикоят изидан

АЙВОН ҚУЛАДИ...

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги диққатига!

Йигирма биринчи ноябрь куни эрталаб соат ўнларда хонамиздаги телефон тўсатдан узоқ жиринглаб қолди:

— Алло, алло, менга редакция керак, редакция! — Аёл кишининг ҳовлиққан овози эшитилди. Унинг қаттиқ ҳаяжонланаётгани овозидан шундоққина сезилиб турарди.

— Редакция эшитяпти.

— Менинг айвоним босиб қолди...

— Босиб қолди, ҳеч кимга зарар етмадими ишқилиб?

— Йўқ. Аммо менга ёрдам беринглар, кўзбўямачиларни фош қилинглар...

Қанақа кўзбўямачи, бунақалар одатда циркда бўлар эди-ку. Ёки бу йиғлагудек бўлиб турган аёл битта-яримта масхарабозга айвон қурдираман деб алданиб қолдимикин. Ахир, баъзан кишиларнинг соддадиллигидан фойдаланиб, пулини шилиб кетадиган масхарабозлар ҳам учраб туради-ку!

Гап нимада эканлигини аниқлаш учун Магнитогорск кўчасидаги 14-уйга бордик. Бизга телефон қилган аёл Иқбол опа Йўлдошеванинг ўзи кутиб олди. Қаттиқ қўрққанидан ранглари оқариб кетган, қўл-оёқлари қалтираяпти, гапни-гапга улай олмайди.

— Мунча қўрқмасангиз?

— Қўрққанимдан эмас, ғазабимдан қалтираяпман.

Ҳовлининг бир томонини ёғоч, тахта синиқлари, тупроқ ва ғишт уюмлари, синиб тушган шифер парчалари қоплаб кетибди. Буёқда худди ўчакишгандек, савалаб ёмғир ёғиб турибди — ҳаммаёқ лой. Икки-уч ишчи тупроқ остидан бутун қолган ёғочларни эринибгина тортиб олиш билан машғул, прораб Қудрат Юнусов уларга иш ўргатяпти. Оила аъзолари қаттиқ ҳаяжонда, қўрқувданми, ғазабданми, ҳаммаларининг ранги докадек оқариб кетган...

— Айвон янги қурилганмиди?

— Аввалги куни, яъни 19 ноябрь куни томини ёпишувди.

— Қачон босиб тушди?

— Кеча соат уч билан тўртнинг ўртасида.

Дарҳол Тошкент сейсмик станциясига қўнғироқ қилиб, якшанба куни соат уч билан тўртнинг ўртасида зилзила бўлдими, бўлган бўлса неча баллга етганлигини сўраган эдик, ер қимирламаганини айтишди. Демак, айвон бошқа сабабдан қулаган.

— Айвонни қайси ташкилот қурган эди?

— «Стройбитремонт»нинг бригадири Ғани Ғойибназаров қурган эди, — тушунтирди уй эгаси.

Маълум бўлишича, Тошкентда даҳшатли силкинишлар давом этаётган маҳалда Иқбол опа Йўлдошева ёрилиб кетган уйларини ремонт қилишда ёрдам беришларини сўраб, район ижроия комитетига мурожаат қилган. Райижроком аризани Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати қошидаги «Стройбитремонт» ташкилотига ўтказган. Июль ойида «Стройбитремонт»дан Иқбол опа номига «Уйингизни ўз ҳисобингиздан ремонт қилдиришни хоҳласангиз зудлик билан бизга учрашинг» мазмунида ёзишма келган. Ана ўша соатдан бошлаб Иқбол опа «Стройбитремонт»га қатнайвериб, нақ оёқдан қолган. Ниҳоят, 17-август куни ташкилот билан шартнома тузишдек катта бахтга муяссар бўлган. Бир томондан, идора бошлиғи М. Йўлдошев, бош инженер Ю. Каурдаков, иккинчи томондан, И. Йўлдошевалар шартноманинг остига имзо чекишган:

— Уйингизни шунақанги боплаб ремонт қилайликки, кўрганда оғзингиз очилиб қолсин! — деб қўйган Йўлдошев. Усталар бугун келиб қолади, эрта келиб қолади деб Иқбол опа кўча пойлаб яна бир ойни ўтказиб юборган. Умидини узиб, баъзи бир майда-чуйда ремонтларини ўзи бажарган. Ниҳоят, сентябрь ойининг охирларида уста Ғани Ғойибназаров шошилганча кириб келган:

— Қани, ишингизни кўрсатинг, тез-тез! — деган у энтикиб.

— Мунча шошмасангиз?

— Тезроқ бўлинг деяпман, тезроқ!

Иқбол опа ремонтнинг бир қисмини ўзи қилиб қўйганини, мумкин бўлса ўша сметадаги 900 сўмлик маблағдан айвон қуриб беришларини сўраган.

— Буни бошлиқ ҳал қиладилар, бошлиқ! — деган Ғойибназаров. Иқбол опа бошлиққа учрашиб, қўшимча яна шартнома тузишган. Бир томондан М. Йўлдошев, бош инженер Ю. Каурдаков, иккинчи томондан И. Йўлдошевалар шартнома остига яна имзо чекишган. М. Йўлдошев:

— Шунақанги бир айвон қуриб берайликки, нақ виставкага қўядиган бўлсин,— деган тўлқинланиб, — қўни-қўшнилар кўриб бизга иш буюрмагани учун аламидан сочини юлсин.

Эни уч ярим метр, бўйи йигирма метрдан иборат бўлган «виставкага қўйса бўладиган» айвонни қуриш сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида давом этган.

— Айвонни жуда бепанд қуряпсиз-ку! — эътироз билдирган уй эгаси.

— Нимаси бепанд, 10 баллга чидамаса, Ғойиб отимни бошқа қўяман! — бўш келмаган уста ҳам. Ниҳоят, 19 ноябрь куни айвоннинг томини ёпишган, 20 ноябрда эса «виставкага қўйиш»га улгурмасдан айвон босиб қолган. Иқбол опанинг ўғли билан набираси эса тасодиф туфайлигина том остида қолмаган.



Шундай қилиб, ҳовлидаги тупроқ уюмлари устида турибмиз, уста отини бошқа қўйдими ёки йўқми ҳали буниси маълум эмас. Аммо, ўртоқ Йўлдошев айтганидек, қўни-қўшнилар аччиғи чиққанидан, ғазабидан сочини юляпти. Айвон шунақанги бепанд қурилганки, кўрсангиз ёш болаларнинг ўйинчоқ уйи ундан мустаҳкамроқ дейсиз. Деворларнинг қалинлиги икки энлик ҳам келмайди, синч ўрнига нимжон-нимжон гарбил тахталарни михлаб кетишибди. Нарироқда ҳовлини бўлиш учун ҳам пишиқ ғиштдан бир девор тортилган. Девор шунақанги қийшиқ ва омонат қурилганки, қаттиқроқ йўталиб юборсангиз қулаб тушиши ҳеч гап эмас — фундаментини ҳайдалган ернинг устига қуришибди.

— Айвоннинг босиб қолганини Йўлдошевга айтдингизми? — сўрадик уй эгасидан.

— Эрталаб бош инженер икковлари келиб кетишди.

— Хўш, нима дейишди?

— Бу воқеани бировга айта кўрманг, айтмасангиз, айвонингизни ўз ҳисобимиздан тиклаб берамиз, дейишди.

Албатта, ўртоқ Йўлдошев ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қоладиган, одамлар бошига бахтсизлик тушганда унга кўмаклашиш ўрнига ундан юлиб қочадиган усталарини ҳимоя қилиш учун, шу йўл билан ташкилотнинг ҳам, ўзининг ҳам обрўсини сақлаб қолиш учун шу пайтда қаср солиб беришни ҳам ваъда қилиши мумкин. Ўртоқ Йўлдошевнинг охирги сўзини эшитиш учун идорасига бордик.

Ташқарида ҳамон қор аралаш ёмғир ёғмоқда, ҳаво совуқ, намгарчилик. Ўртоқ Йўлдошевнинг кабинети эса иссиққина экан, бошлиқ ўзи тенги тўрт-беш улфатлари билан «хўжа» сўзи қаердан келиб чиққан, ҳозирги хўжалар чиндан ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди бўладими ёки йўқми, деган мавзуда баҳслашиб, чойхўрлик қилиб ўтиришган экан. Ўзимизни танитиб, нима мақсадда келганимизни айтдик.

— Йўқ йигитча, сизни алдашибди, — деди бошлиқ чой ҳўплаб.

— Нега мени алдашар экан?

— Бўлган воқеага бизнинг ташкилотимизнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, — деди Йўлдошев «ҳеч» деган сўзни негадир чўзиб, — ҳамма айб ўша Йўлдошеванинг ўзида. Шартномада кўрсатилган ишни қилдирмай устамизнинг бошини қотирибди.

— Ахир, иккинчи марта шартнома тузгансизлар-ку, ўша ерда сизнинг ҳам чиройли имзонгиз бор-ку!

— Ҳозир бош инженеримни чақираман, ўша билан гаплашинг! — деб Йўлдошев яна «хўжа» қаердан келиб чиққан деган баҳсга берилиб кетди. Бош инженер Ю. Каурдаков ҳам ҳамма айб Иқбол Йўлдошеванинг ўзида, агар газетага ёзадиган бўлсангиз тегишли ташкилотга арз қиламан, деб турно олди.

Бир шикоят изидан бориб кўрган-билганларимнинг ҳаммаси мана шу. Мен бу ерда нимаики кўрган бўлсам, ҳамма майда-чуйдасигача ёздиму, аммо хулосаи-ҳукм чиқариб ўтирмадим. Уни кенг жамоатчиликнинг ўзига ҳавола қилиб қўя қолмоқчиман. Уйимни ремонт қилдираман деб, салкам олти ой оваралю сарсон бўлиб, оқибатда бола-чақаси билан совуқда изиллаб қолган Иқбол Йўлдошева ҳақми ёки иссиққина хонага ўғриб олиб, мачитнинг имомига ўхшаб хўжаи-пайғамбарлар ҳақида баҳслашаётган ўртоқ Йўлдошев ва унинг инженерлари, прораблари ҳақми — хулис ҳукмни ҳурматли газетхонларнинг ўзи чиқарсин.

Худойберди ТУХТАБОЕВ.
Тошкент шаҳри.

ЕТУК ИЖОД МАҲСУЛИ

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

«Ўқитувчи» нашриёти филология фанлари доктори Ғулом Каримов томонидан олий мактабларнинг филолог студентларига мўлжаллаб тайёрланган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигини босмадан чиқарди. 1. Бу асар профессор Н. М. Маллаев ва академик В. А. Абдуллаев ёзган дарсликларнинг бевосита давоми бўлиб, классик адабиётимизнинг XIX аср иккинчи ярмидан то Улуғ Октябрь социалистик революциясининг арафасигача бўлган даврини ёритади.

Китоб ҳаммага олдиндан маълум бўлган билимларнинг сал «семиртирилган» нусхаси эмас, йўқ; аввало янги, етук илмий-текшириш иши сифатида янгидан, олимона истеъдодга йўғрилиб пиширилган маҳсулдир.

Асар адабиётимиз тарихидан янги билим, маълумотлар беради. Ўқувчини сездирмай чуқур текширишлар оқимига тортиб кетади. Дарслик муаллифи адабиётшуносликда эндигина кўтарилаётган ва совет адабиёти аспектида бир оз талқин этилган ижодий методларнинг ўрин алмашиниши ва шаклланиш жараёни, адабий анъана ва адабий тараққиёт, новаторлик ва маҳорат, халқчиллик ва реализм, бадиий тил ва стил, ижтимоий-фалсафий тафаккур ва адабий оқимлар каби актуал проблемаларни ўзбек демократик адабиёти намуналари асосида усталик билан ҳал қилади.

Китобнинг «Ўзбек демократик адабиёти ва традициялар масаласи» баҳсида муаллиф классик адабий мерос ва Навоий традициялари устида муфассалроқ мулоҳаза юритади. Ўзбек демократик адабиёти вакиллари эришган янги кўтаринкилик, халқчилликнинг бу юқорироқ стадиясига кўтарилишда бош нуқтани Ғ. Каримов ҳақли равишда шундай аниқлайди: «Демократ шоирларнинг бу масалада ўзларигача бўлган адабиётга қўшган янгилиги шу бўлдики, улар истиқболни кўра билдилар, ижобий идеал яратдилар» (20-бет).

Муаллиф асарнинг обзор қисмидаёқ давр тарихи ва адабий манзарасини аниқроқ ёритиш учун кўплаб фактик материаллар келтиради. Бунинг учун у қанчадан-қанча самарали изланишлар олиб борган Ўрта Осиё тарихчилари ва мемуарчиларининг асарлари, рус шарқшунослиги қўлга киритган манбалар ва архив ҳужжатлари, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида чиқарилган хилма-хил газета ва журналлар, яқин ўтмишнинг ҳозир ҳаёт бўлган гувоҳларининг қимматли маълумотлари, музей экспонатларидан керакли нарсаларни излаб топган ва улардан ўринли фойдаланган.

Автор Фурқатнинг етук рус шарқшуноси А. Самойлович билан дўст бўлганидан, Фозилбек Отабек ўғлининг «Робинзон ҳикояси»нинг таржимони эканидан, демократик адабиёт тўрт янги жанр: сатира, юмор, шеърий мактуб ва саёҳатномалар яратганидан, В. В. Стасовнинг «Ўрта Осиё халқ нақшкорлик услуби билан ҳозирги танишиб чиқишим натижасида энди шундай деб айтишим мумкинки, Шарқнинг биздаги нақшкорликка бўлган таъсири Эрондан эмас, балки Ўрта Осиёдан ўтган, Эронга ҳам Ўрта Осиё таъсир кўрсатган» деб илмий хулоса чиқарганидан бизга янги-янги ажойиб маълумотларни манзур этади.

Изчил кузатишлар натижасида Ғ. Каримов текширилаётган даврдаги адабиётимиз классикларининг ўткир диди, илғор фикрлари ва ғоявий курашлари йўналишларини аниқ белгилайди. Унингча: «Демократ шоирлар ўз ижодларида пантуркизм, панисломизм сафсаталарини фош этиш билан бирга, унга қарши русларга қараб иш кўриш ғоясини илгари сурдилар». (45-бет).

Адабиётшунос асарнинг индивидуал адабий портретлар қисмига ўтганида ҳам ишнинг масъулиятли томонини кўзлайди. У ёки бу классик шоирнинг асарлари филологик талқин қилинар экан, навбатдагиси, учинчи ва тўртинчисида ҳам текшириш мавзулари бир-бирига ўхшаб қолмаслиги йўлидан боради ва бунга моҳирлик билан эришади.

Дарсликда муқимийшунослик тарихи ҳам диққатга сазовордир. Дастлабки муқимийшунослардан Н. Остроумов Муқимийдай халқ шоирини, Муҳъий ва Ҳазинийларнинг муросасиз ғоявий рақиби бўлган Муқимийни «умрини қаландарона ўтказмоқни лозим» топиб, тарки дунё қилган, дарвешлик тариқатини қабул этган киши деб талқин қилади. (73-бет).

«Ал-ислоҳ» журнали Муқимий меросига қутуриб ҳужум қилади. XX аср бошларидаги миллатчилар эса уни «буржуа шоири», «жадид шоири» деб атайдилар. Лекин Муқимийнинг чинакам ижодкорона қиёфаси янгидан тикланди.

Шуниси диққатга сазоворки, автор қайси бир адабий портрет устида иш бошламасин уларнинг ҳаёти, адабий фаолияти, асарлари хронологиясига янги-янги аниқликлар олиб киради.

Маълумки, бизда баъзибир классик шоирларимизнинг расмлари йўқ. Бу етишмовчилик фақат ёзиб қолдирилган ёки уларни кўрган кишилар хотираларидан бир оз бўлсада қопланиши мумкин. Ғ. Каримов худди шу соҳада ҳам маҳсулли изланишлар олиб бориб, Комил Хоразмий ҳақида Ф. И. Лобосевичнинг («Описание Хивинского похода 1873 г» СПБ. 1898) китобидан қуйидаги қизиқарли фактни топади:

«Матниёз (Комил Хоразмий — Р. В.) Саид Амирул Умар сингари сулҳпарвар партиясига мансуб кишидир. У паст бўйли, кўзлари катта, сийрак соқол, кўримсиз бир киши эди. У, афтидан, русларга жуда хайрихоҳлик билан қарар эди»... (Дарслик, 231-бет).

Кўриниб турибдики, ўқувчи бундан шоирнинг умумий қиёфасини ҳам, унинг ғоявий позициясини ҳам тушуниб олади.

Профессор Ғ. Каримов 1905 — 1917 йиллар давридаги ўзбек адабиётига обзор бериб, ўзбек революцион адабиётининг туғилишини кўрсатиш бобида йўл-йўлакай кўплаб конкретлаштирилиши лозим бўлган баъзибир оқимлар орасидаги фарқлар устида тўхталади.

Лекин бу юксак савияда ёзилган дарслик айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Жумладан, авторнинг Завқий қаламига мансуб бўлган «Сув жанжали», «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» сатираларини «Саёҳатнома» жанрига киритишига қўшилиб бўлмайди. Тўғри, буларда «Саёҳатнома»нинг вазни ва услубий хусусиятларидан фойдаланилган. Бироқ «Саёҳатнома» саёҳат, кезиш, кўп янги нарса ва ҳодисалар тасвири эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Юқоридаги ҳажвларда эса саёҳат ҳақида бирор фикр йўқ.

Дарсликка ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек совет адабиётининг боғланиш халқаларидан бири бўлган атоқли демократ шоира Анбар Отиннинг монографик портрети киритилмаган. Ҳолбуки, у «Уч революция даврида ўзбек адабиёти» мавзусининг етакчи фигураларидан саналади.

Яна бир камчилик: бадиий таржимага аҳамият берилмаган. Чунки XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Шарқ, рус ва Европа классик адабиёти асарларидан ўзбек тилига таржима қилиш кенг тус олган эди. Бу таржималар ҳозирги реалистик бадиий таржимачиликка ўтишда муҳим поғона бўлган.

Ниҳоят, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Хива адабий муҳитидаги ўттизга яқин талантли шоирлар ижоди қисқача бўлса ҳам асарга киритилмаган. Алмаий, Рожий, Нодим Намангоний, Аҳмад Табибий, Мискин, Абдулла Авлоний ва бошқа ўнлаб шоирлар нахотки ўзбек адабиётида бирор из қолдирмаган бўлишса?!

Ушбу мулоҳазаларимиз асарнинг келгуси нашрида эътиборга олинишига аминмиз. Лекин булардан қатъи назар, Ғ. Каримовнинг мазкур катта меҳнати йирик илмий тадқиқот ва етук дарслик сифатида хизмат қилади.

В. РАҲМОНОВ.
Самарқанд Давлат университетининг аспиранти.

1. Ғ. К. Каримов «Ўзбек адабиёти тарихи», учинчи китоб (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача). Масъул муҳаррир. филология фанлари доктори А. П. Қаюмов. Тошкент, 1966.

Сатира ва юмор

Акмал ПЎЛАТ

ҚУЛОҚ СОЛ!

(Бир ман-манга насиҳат).

Ман-манлик, кибру ҳаво қилмасин бошингни баланд,
Баланд бўлмоқ истасанг, тутмагин ўзни баланд
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Ҳар нарсадан пастдир, билгин ман-манлик,
Ман-ман дўстига ҳам қилар ёмонлик
Олдин ман-ман ҳаво боғлар ўзига,
Пўчоқча кўринмас тоғ ҳам кўзига.
Ман-маннинг ҳар вақт осмонда боши,
Ҳеч кимга ёқмайди совуқ қараши.
Бўрон ҳам ҳижолат урган лофидан,
Алиф ҳам чиқмайди қуруқ қопидан.
Жаҳл билан муштин урар кўкракка,
Хоҳласа, фил чўксин олдида чўкка.
Кибр билан тўлган доим димоғи,
Ман-манни эзади юракда доғи.
«Ўзим» дейди кеча-кундуз бақириб,
Бўлар-бўлмас ҳар нарсага ҳайқириб.
Мақтаниш, кеккайиш, унга одатдир,
Чираниб юриши қуруқ саватдир.
Қайнамай шакар сув қиём бўлмайди,
Насиҳат тингламай ақл тўлмайди.
Ота насиҳати фикр қайроғи,
Ман-маннинг тез ўчар умр чироғи.
Айтамиз ман-манга ҳаққоний қараб,
Меҳр билан, майли бошини силаб.
Бу одатинг ғўрлик, асло унутма,
Ман-манликдан зинҳор яхши гап кутма.
Сал пастроқ туш, яхшилардан ўрнак ол.
Ҳали вақт бор, ақли-ҳушинг ишга сол,
Диққат қилиб қара у ёқ-бу ёғинг,
Кўрпангга қара-да, узат оёғинг.
Тўғри ёзди Саъдий ман-манга қараб,
Ман-манни фош қилди, камтарни мақтаб.
Деди: «Ҳаддан ортиқ ловуллаган шаъм—
Куйдирмоғи мумкин хони-монинг ҳам».
Такаббур бўлмагин, бўлгин ёқимтой,
Камтарлик ҳамиша инсонга чирой.
Йўқолсин ман-манлик, камтар бўл ўғлон,
Ўшанда бўлурсан чинакам инсон.

ТУҲМАТНИНГ ҚУРУҒИ

Саид АҲМАД.

(МУЗИКАЛИ ДРАМА)

<> <>

Район газетасининг редактори Ҳасанбой Эргашев босмага кетадиган материалларни ўқиб туриб, қошлари чимирилиб кетди.

Тавба бу нимаси, «Узум териш илғорлари». «Буйнига маржон кийган дўппи юзли ўрта яшар бир қиз», «Саксон олти ёшга кириб қариб қолган кекса чол»... Материалда на маза бор, на матра.

Эргашев қизил қалам билан материалнинг ҳамма ёғини чизиб ташлади. Кейин уни кўтариб нариги хонага чиқди.

Материал автори соқоллари ўсиб кетган, галстуги магазиндан олганда бойланганича ҳали тугуни ечилмаган Парпи Шамсиев кеча совхозга борганлигини гапириб ўтирарди. Эргашев материални унинг олдига ташлади.

—Бўлмаптику, биродар. Ўн йил редакцияда ишлаган одамга сира ўхшамайсизку.

Шамсиев бир материалга, бир Эргашевга қараб кўзларини жовдиратди.

—Хўш, қайси жойи қийшиқ экан?

— Ўзингиз бир ўқиб кўринг. Тағига чизганларимни ўқинг. Узум териладими? Узилмайдими? Маржон бўйинга кийилмайди, тақилади. Ўрта яшар қиз ҳам бўладими? Ўрта яшар аёл энг камида тўрт боланинг онаси, қирқларга бориб қолган бўлиши керак.

Шамсиевнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Йўқ, ўртоқ редактор. Гап териш ё узишда эмас. Гап сизнинг менга нисбатан нуқтаи назарингизда. Уч-тўрт кундан бери сал бошқачароқ қараяпсиз. менга. Бу материални йигирма километр йўл босиб, совхоздан олиб келганман.

— Э, аттанг, бошқа одамни юборсам бўларкан. Зарур эди. Райком шу совхоз узумчиларини тавсия қилган эди. Эплолмапсиз. Райком олдида хижолат қилиб қўйдингиз.

Шамсиев ўрнидан туриб кетди.

—Тўғрисини айтинг. Менда нима хусуматингиз бор. Шуни айтинг. Бизда ҳам забон бор. Тегишли жойда гапиришга ҳаққимиз бордир. Майли давринг кепти сур бегим.

Эргашев унинг гапларига қулоқ солмай, масъул секретарга, бу материал ўрнига бошқасини бериб юборинг, деб тайинладида, чиқиб кетди.

Дарҳақиқат Шамсиевнинг тегишли жойга айтадиган гапи бор экан, орадан олти кун ўтиб, уни райком инструктори чақирди. Эргашев инструкторнинг тоғасини бир фельетон қилгандан бери мунғайиб юрганди. Парпивой Шамсиев ҳам чақирилибди. Иккови коридорда учрашиб қолишди. Аввал Эргашев кабинетга кирди.

—Бу қанақаси ўртоқ Эргашев. Газетангизда хотинбозларни фельетон қиласизу, ўзингиз ресторанма-ресторан бегона хотинларни судраб юрасиз. Унинг устига ичмаган, кайф устида тўполон қилмаган кунингиз йўқ.

Эргашев ҳайрон бўлди:

—Умримда ресторанга кирмаганман. Ичкиликни бўлса мутлақо оғзимга олмайман.

—Гапнинг ростига кўчаверинг. Қўлимизда ҳужжатлар бор. Тўғрисини айтсангиз гуноҳингиз енгил тортади.

Эргашев хуноб бўлиб кетди:

—Умримда ичмаганман. Бу қандоқ гап. Хотиним эшитса нима бўлади? Рўзғорим бузилади.

—Бегона хотинга суйкалганингизда бу тўғрида ўйламаганмидингиз. Қўлга тушганингизда эсингизга келдими? Тонаяпсиз, шундаймми? Мана бўлмаса. Ўтган дам олиш куни комсомол кўлида ким билан чўмилаётгандингиз? Бунга ҳам тонасизми? Шаҳар меҳмонхонасида йигирма иккинчидан йигирма олтинчигача ким билан турдингиз?

Эргашевнинг томоғига нимадир тиқилиб, тили гапга келмай қолди.

—Қани жавоб беринг! Балки ўша жононни хотиним эди дерсиз? Ундай бўлса ўз уйингиз бўла туриб меҳмонхонада нега ётиб юрибсиз?

—Азбаройи худо, ишонинг. Йигирма биринчидан йигирма еттинчигача шаҳарда йўқ эдим. Самарқандга командировкага кетгандим.

—Шунақа денг. Хотинга командировкага кетдим, деб меҳмонхонадан чиқмай ётган экансиз-да.

Эргашевнинг боши эгилди. Бу қуруқ туҳматга жавобан бирор оғиз ҳам гап айтолмади. Нима дейди? Шунақа эмаслигини нима билан исбот қилади?

—Майли, боринг. Хулқ-атворингиз муҳокама қилинадиган кунни хабар қиламиз. Уят!

Эргашев лавлаги бўлиб чиқиб кетди.

Кўчада одам кўп. Офтоб чарақлайди. Тоза ҳаво мияни тез ишлатади шекилли бирдан Эргашевнинг мияси ишлаб кетди. Юзига қон югурди. Чеҳраси очилди. Аввал илжайди, кейин бирдан хохолаб кулиб юборди.

Унинг ўзидан ўзи кулаётганидан ўткинчилар ҳайрон. Эргашев орқасига ўгирилди. Ҳозиргина чиққан бинога қараб чопди. Тиқиллатмасдан кабинет эшигини очди.

Кабинетда Шамсиев тик туриб гап маъқуллаётган эди.

—Кўрдингизми, у тулки қўлга тушди-ку. Шу одам газетамизга муҳаррир бўлиб ўтирибдими?

Шамсиев кулиб кираётган Ҳасанбой Эргашевни кўриб оғзидаги гапи бўғзида қолди. Эргашев кула-кула гапга киришди.

—Мени хотинбоз дедингиз, пиёниста дедингиз, бировнинг хотини билан меҳмонхонада турди дедингиз, ёлғон. Мен бунақа одам эмасман. Бошқа одам билан адаштиряпсизлар.

—Хўш, ким билан?

—Укам билан, укам Ҳусанбой билан адаштиряпсизлар. Мен командировкага кетганимда укам Намангандан хотини билан кепти. Мени тополмай меҳмонхонада тўрт кун туриб кетибди. Комсомол кўлида чўмилган ҳам укам, укамнинг хотини. Келиним сузишдан чемпион. Мана.

Ҳасанбой ёнидан бир сурат чиқариб, столга ташлади.

—Кўринг. Укам билан бирга тушган суратим, Қайси бири мену, қайси бири укамлигини ажратиб берингчи.

Боядан бери ғозга ўхшаб бўйнини чўзиб ғолибона ғўдайиб турган Шамсиев бирдан ўша бўйнини ёқасининг ичига торта бошлади. Унинг калласи ёқалари орасига кириб, йўқ бўлди. Фақат дўппасининг учи сал пал кўриниб турарди. Бир оздан кейин дўпписи ҳам кўринмай кетди.

Орқасидан қараган одам кетмон дастасига палто илиб қўйган деб ўйлаши мумкин...

КУЛГИ — ТАНГА РОҲАТ

«АЛБАТТА»

Ишқибозликдан бир одам тўти боқиб, уч ярим ой овора бўлиб, бори-йўғи «албатта» деган сўзни ўргата олибди, холос. «Сени уч ярим ойдан бу ёққа тарбия қилсам-у «албатта»дан бошқа сўзни гапиролмасанг, энди бозорга олиб бориб сотиб юбораман» деса, тўти:

—Албатта,—деб қўйибди.

Бозорда тўтининг харидори жуда ҳам кўпайиб кетибди.

—Неча пул?—сўрабди бир харидор.

—Юз сўм,—дебди сотувчи.

—Кичкинагина қушчага юз сўм сўрагани уялмайсизми?

—Нима деяпсиз, бу тўти ҳамма тилда гаплаша олади, деган экан сотувчи, олувчи эргашиб «юз сўмга арзирмикан» деса, тўти:

—Албатта,—деб қўйибди.

Харидор севиниб юз сўм тўлаб олиб кетибди. Аммо беш ярим ой парвариш қилса ҳам «албатта»дан нарига ўтмапти. Охири жонига тегиб «сени юз сўмга олибман-а. Эсим паст экан, аҳмоқ эканман» деса, тўти тилларини бурро қилиб:

—Албатта!—деб қўйибди.

БЕФАРОСАТ

Бир одам ошнасиникига кирса бир тўти одамдек гапираётган эмиш: «Қани дастурхонга қаранг, қани нондан олинг, чойдан ичинг...» деб тинмай гапирар эмиш. Ҳалиги одам жуда ишқибоз бўлиб қолибди. Уйнинг эгасидан илтимос қилиб:

—Тўтингизни менга берсангиз, келинойингиз кун бўйи ёлғиз, ҳар ҳолда гаплашиб, бир-бирига овиниб ўтиради,—дебди.

Уйнинг эгаси рози бўлиб тўтини унга ҳада қилибди. Ҳалиги одам хурсанд бўлиб тўтини ўз шофёридан уйига бериб юборибди. Орадан уч-тўрт соат ўтгач уйига телефон қилиб:

—Хўш, хотинжон, қалай энди хурсандмисиз? Катта уйга олиб кириб қафасидан чиқариб саволларингизни бераверинг! — деса хотини:

—Нима деяпсиз ўзи, ҳа ҳалиги бериворган нарсани айтяпсизми? Нима бало эди ўзи у? Уч соатдан буён қайнатаман ҳеч пишмайди-я!—деб жавоб қайтарибди.

БЕМЕҲР ОТА

Бир одам кўчада роса ичиб камига яна яримтани чўнтакка уриб уйига қайтибди. Келтирганароқни косага қуйиб, энди ичаман деб турган экан, уч яшар ўғли додлаб йиғлашга тушибди. Кир ювиб ўтирган онанинг раҳми келиб:

—Ҳой, дадаси, болангиздан хабар олинг!—деб илтимос қилибди.

—Кўп алжима, мен муҳим иш билан бандман,—жавоб қайтарибди ота,—одам косада ароқ ичса мушкуллари осон бўлармиш...

Бола йиғлайвериб охири хириллаб қолибди.

— Мен кир ювяпман, — жаҳил билан дебди хотини,—ахир бола икковимизники-ку.

— Икковимизники бўлса, жавоб қайтарибди эр,—келиб ўзингнинг томонингни тинчитгинда, менинг томон йиғлайверсин.

А. ТУЙЧИЕВ.

ЗИЛОЛ СУВЛИ СОЙ ВА КИР МАҒЗАВА

(Масал).

Далалар оралаб,
Қишлоқ оралаб
Сувлари лиммо-лим бир сой оқарди.
Зилол сувларига текканида лаб
Ҳар қандай ташнага болдай ёқарди.
Бутун қишлоқ ундан бўлар баҳраманд,
Қанча ичилмасин тугамасди ҳеч.
Салқин соҳиллари кўп гўзал, дилбанд,
Ошиқларга маскан бўларди ҳар кеч.
Нима ҳам бўлди-ю, қайсибир беюз
Бир кун мағзавасин оқизди сойга.
Зилол сув қорага бўялди афсус,
Сой оқди буралиб бўтана, лойқа.
Сув юзида ўйнаб-кирли кўпиклар
Бутун сой сувини булғамоқ бўлди.
Худди унинкидай кирғоқ, уфқлар
Ҳамма-ҳаммаёқни чулғамоқ бўлди.
Қора ниятига етмади аммо,
Узоқ-узоқларга йўқолди, тинди.
Сой сувлари яна зилол, мусаффо,
Асло булғатолмас ҳеч кимса энди!
Қисқадир туҳматнинг умри, бор мақол,
Туҳматчи албатта топажак завол!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкентдаги уч кун давом этган область иқтисодий илмий-ишлаб чиқариш конференцияси 25 ноябрда ўз ишини тамомлади. Конференцияни область партия комитети, область касаба союзлари Совети, Халқ хўжалик институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти чақирган эди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг иш якунлари ҳамда саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқовнинг докладини муҳокама қилдилар. Халқ хўжалиги институти ректорининг ёрдамчиси Ю. Е. Шенгер, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Экономика институти директорининг ўринбосари Х. Г. Газизов, Давлат банки республика контрасининг бошқарувчиси Х. М. Ғафуров ва бошқа олимлар ҳамда хўжалик ходимлари ўз докладларини иқтисодий ишнинг энг муҳим проблемаларига, хўжалик ислоҳотини жорий қилиш масалаларига бағишладилар.

Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл, Алимкентда бўлиб ўтган сессия машғулотларида рангли ва қора металлургия, химия, кўмир, машинасозлик саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишловчи ходимларнинг 60 дан ортиқ доклади ва ахбороти тингланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов қатнашди. (ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ҚАШҚАДАРЕ. Шаҳрисабз райони меҳнаткашлари давлатга 4985 тонна серқаймоқ сут сотиб йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар. Шу кеча-кундузда 15 дан ортиқ хўжалик пландан ташқари сут топширмоқда.

Р. МУРОДОВ.

АНДИЖОН. КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини оғишмай амалга ошираётган Москва райони чорвадорлари яна бир зафар қучдилар. Улар давлатга 8670 центнер гўшт топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар.

С. ШАРОФИДДИНОВ, М. МАЪМУРОВ.

СУРХОНДАРЕ. Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхози сут тайёрлаш йиллик планининг барвақт бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Чорвадорлар ҳозиргача давлатга 202 тонна сут топширдилар.

И. ХУДОЕРОВ.

Меҳнаткашлар учун

СССР Министрлар Совети шу йилнинг 19 ноябрида фармойиш чиқариб, Тошкентдаги зилзила оқибатида зарар кўрган ҳамда давлат кредити ёрдамида якка тартибда уй қураётган гражданларга истисно тариқасида расмийлаштирилган ссуданинг 50 проценти миқдорида аванс беришни СССР Қурилиш банки ва СССР Давлат банкига рухсат берди. Ссуданинг қолган қисми уй-жой қурилишида 50 процент иш бажарилгандан кейин берилади.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Биз, ўзбекистонлик солдатлар бепоён Ватанимизнинг турли шаҳар ва областларида йигитлик бурчимизни адо этмоқдамиз. Газета ва журналлар орқали республикамизнинг кундалик ҳаёти билан танишиб бормоқдамиз.

Шу кунларда бўлинмамизда республикамизда чиқадиган газета ва журналларга обуна бўлиш авжида. Солдатлардан Нурбек Маматов, Ҳасан Облоқулов, Холмўмин Акромовлар «Совет Ўзбекистони» газетаси, ва «Саодат» журналига обуна бўлдилар. Сафожон Раҳматов, Анатолий Юсуповлар эса «Ўзбекистон маданияти» газетаси, янги йилдан бошлаб чоп қилинадиган «Гулистон» журналига ёзилдилар.

Н. АТОЕВ,
оддий солдат.

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН

Бўлинма солдатлари ўртасида «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган номни олиш учун мусобақа авж олдирилган. Айниқса, К. Юнусов, Т. Суранов, Маркосян ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар кунлик ва ойлик ишлаб чиқариш планларини 110—120 процентдан ошириб адо этиб, мусобақада олдинги сафда бормоқдалар.

Оддий солдатлардан Карагулов, Асқаров, Иззақов ва бошқалар «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган фахрли номга сазовор бўлдилар.

А. АЛЛОЕВ.

НАМУНА

Эрта тонг... Бўлинмамиз жангчилари мароқ билан дам олишарди. Алоқа механиги ефрейтор Омонбой Турдиниёзов навбатдаги телефон аппаратини ремонт қилиб бўлган эдиямки, бирдан телефон жиринглаб қолди. Маълум бўлишича, Н-бўлинманинг алоқа воситалари ишдан чиққан экан. Вазият дарҳол алоқа ўрнатилишини талаб қилар эди.

Бир зумда алоқачилар взводи оёққа турди. Взвод командирининг ўринбосари воқеани алоқачиларга тушунтирди-да, бу ишни тезлик билан амалга ошириш кераклигини айтди. Ана шу ишни бажаришни тажрибали алоқа механиклари Омонбой Турдиниёзов ва Бозортой Дадабоевлар ўз зиммаларига олдилар.

Икки дўст дала телефони, сим, кабель ва бошқа асбобларни олиб йўлга чиқдилар. Ефрейторлар ўрмон сўқмоқларидан яланглликка чиқишиб, навбатдаги тепаликка қараб борар эдилар. Телефон линияси ана шу тепаликдан ўтгач, чапга бурилиб, анҳорни кесиб ўтар эди. Алоқачилар анҳор бўйига етиб келгач, воқеани тушундилар.

Телефон симлари тунда бўлган қаттиқ шамол натижасида узилиб кетган экан. Орадан бир соатча вақт ўтар-ўтмас, симлар тортилиб бир-бирига уланди. Жанговар топшириқ бажарилди. Алоқа ўрнатилди.

Бу комсомол аъзолари О. Турдиниёзов ва Б. Дадабоевларнинг солдатлик ҳаётидан бир лавҳа, холос.

Аъло хизматлари учун бўлинма ва рота командирлари томонидан Б. Дадабоев 18 марта, О. Турдиниёзов эса 15 марта тақдирландилар. Уларнинг кўкрагини «Совет Армияси аълочиси» значоги безаб турибди.

А. ҚОДИРОВ, И. ҒАЙБУЛЛАЕВ,
оддий солдатлар.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан Э. Тожиддинов, У. Нукаров, С. Худойқулов, Ҳ. Исроилов, М. Мирзаев, А. Маматбоев, П. Хўжамуротов, Т. Турғунов, Ф. Темиров, Ж. Қудратов, С. Асқаров, К. Ёқубов, Т. Ражабов, Б. Юсупов, А. Акбаров, И. Эгамбердиев, матрослардан А. Асқаров, Я. Мамаражабов ва бошқа ўртоқларнинг редакциямизга йўллаган хат ва хабарларида ҳам жанговар фарзандларимиз ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинган.



Тошкент ёғ-мой комбинати Ўзбекистон саноатининг яқинда ишга тушган корхоналаридан бири. Комбинат республика аҳолисига кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари юбормоқда. Суратда: автоклав цехининг бошлиғи Зайниддин Тиллахўжаев ва компрессорчи К. Мурашова ўртоқлар ускуналар ишини кузатишапти.

И. Глауберзон фотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЎЗБЕКИСТОН ХИМИКЛАРИНИНГ ЭКСПОРТИ

Наманган химия заводи Афғонистонга карбоксиметилцеллюлоза етказиб бериш заказини бажарди. Бу химиявий маҳсулот нефть, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноатида ва саноатнинг кўпгина бошқа тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Бу йил республика химиклари ўзларининг ташқи савдо алоқаларини кенгайтирдилар.

Ўзбекистон химия саноати биринчи марта минерал ўғитлар экспорт қила бошлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ МАКТАБИ

Хива қишлоқ хўжалик техникуми ҳузурида қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш Хоразм область мактаби очилди. Колхоз агрономларидан 42 киши бир ойлик ўқишни бошлаб юбордилар. Ўқиш программасига партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга доир қарорлари тўғрисидаги лекциялар, агробиология фани ва практикасининг муваффақиятлари билан, энг янги қишлоқ хўжалик техникаси ва деҳқончиликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари билан таништириш киритилган.

● ● ●

ТОШКЕНТДА трактор-йиғув заводи қурилмоқда. Завод қуриб битказилгандан сўнг деҳқонларимиз учун ҳар йили минглаб трактор етказиб берадиган улкан корхонага айланади. Суратда: қурувчилар заводнинг пресс цехини монтаж қилишмоқда.

А. Машуров фотоси.

Турли мамлакатларда

НАЦИЗМНИНГ ТИКЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

ЛОНДОН, 25 ноябрь. (ТАСС). Англия парламенти аъзоларининг бир группаси Ғарбий Германияда нацизмнинг тикланаётганлигидан ташвишланаётганлигини билдирди. Лейборист Барнетт Женнер умум палатасида сўзга чиқиб, Гессен ва Баварияда ўтказилган сайловларда янги нацистлар партияси муваффақият қозонганлиги муносабати билан аҳвол жиддийлашганлигини айтди.

Парламентнинг 50 дан ортиқ аъзоси, булар парламентда вакиллари бўлган барча партиялар номидан имзолаган резолюция лойиҳаси Ғарбий Германияда нацизмнинг тикланишига йўл қўймасликка даъват этади. Резолюция лойиҳаси Англия ҳукуматини Германия Федератив Республикаси ҳукуматига биргаликда баёнот топшириш ва нацизм хавфига қарши чоралар кўришни ундан талаб қилиш учун Совет Иттифоқи, Франция ва АҚШ ҳукуматлари билан музокаралар олиб боришга чақиради.

ТОГОДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПРАГА, 25 ноябрь. (ТАСС). Того Республикасининг президенти Николас Грюницкий Чехословакия телеграф агентлигининг махсус мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Биз бундан буён ҳам Того халқининг бирлигини мустаҳкамлаш ва келажакда ягона сиёсий партияни тузиш ниятидамиз.

Ҳозирги вақтда Тогонинг янги ҳукуматини тузиш тўғрисида маслаҳатлашилмоқда. Бу ҳукумат коалицион ҳукумат бўлади. Мен, деди президент, мамлакатдаги тўрт сиёсий партия коалицияси сиёсатини амалга ошириш ниятидаман.

Н. Грюницкий мамлакатнинг иқтисодий қолоқлигини тугатиш беш йиллик планнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлаб, бу планни амалга ошириш натижасида Тогони индустрлаштириш учун пойдевор яратилади, деди.

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ЯНГИ АГРЕССИЯ

ПНОМПЕНЬ, 25 ноябрь. (ТАСС). Америка интервентлари ва уларнинг сайгонлик қўғирчоқлари тинчликсевар Камбоджага қарши агрессив ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

22 ноябрь кечқурун Камбоджанинг Прейвэнг вилоятидаги Пеаммонтеа чегара пости миномет ва артиллериядан қаттиқ ўққа тутилди. Иғвогарлик мақсадида қилинган ва қарийб беш соат давом этган отишма натижасида беш киши, шу жумладан икки бола ва икки аёл ўлдирилди.

Болгария Халқ Республикаси. Ҳар куни мамлакатнинг турли бурчакларидан янги саноат объектлари фойдаланишга топширилаётгани, қишлоқ меҳнаткашлари катта-катта ютуқларга эришаётгани ҳақида хушхабарлар келиб туради. Суратда: Бургасдаги фенол ва ацетон ишлаб чиқариш заводининг энг яхши бинокорларидан бири Стоян Андоновни кўриб турибсиз. У ўз ҳамкасблари билан биргаликда съезд олди мажбуриятини муваффақиятли бажарди.

БТА — ТАСС фотоси.

ХИТОЙДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН СОВЕТ СТАЖЕРЛАРИ ВА СТУДЕНТЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида студентлар, аспирантлар ва ўқитувчилар айирбошлаш юзасидан маданий ҳамкорлик тўғрисида 1966 йил 5 июлдаги шартнома ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасида 1966 йилга мўлжалланган маданий ҳамкорлик планларини бузган ҳолда Хитой Халқ Республикасининг олий таълим министрлиги шу йил 20 сентябрда совет студентлари ва стажерларининг ўқишини бир томонлама тўхтатиб қўйди ва уларнинг ўн-ўн беш кун ичида Хитойдан Совет Иттифоқига чиқиб кетишларини талаб қилди. Бу можаро совет студентлари ва стажерларини тайёрлашга ҳамда бу соҳада ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга зарар етказди.

Ҳозирги вақтда барча совет студентлари ва стажерлари Хитой Халқ Республикасидан ўз Ватанига қайтиб келдилар ва институтларда ўқишни ҳамда тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар.

Новости матбуот агентлигининг мухбирлари Хитойдан қайтиб келган айрим студентлар ва стажерларга Хитойда бўлган пайтида олган таассуротлари ва кузатишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилиб мурожаат этдилар.

Алексей Николаевич ЖЕЛОХОВЦЕВ. (СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг младший илмий ходими) Новости матбуот агентлиги мухбири билан суҳбатда шундай деди:

— Мен 14 йилдан бери Хитой адабиёти ва тилини ўрганмоқдаман. Шу давр ичида икки марта — биринчи марта 1958 йилда, иккинчи марта СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага биноан айирбошлаш программаси бўйича бу йил Хитойда бўлдим. Хитой адабиётини ўрганиш — жуда ҳам кенг ва қийин соҳа. Ўз фаолиятини ана шу проблемани ўрганишга бағишлаган кишилар, биринчидан, Хитой мутахассисларидан мунтазам равишда маслаҳат олиб туришлари, иккинчидан, қадимий Хитой ёдгорликларига ва каталоглари билан танишиш имконига эга бўлишлари керак. «Маданий революция» қадимий фалсафий публицистик программани ўрганиш бўйича жуда ҳам қизиқарли ўн ойлик программани тугаллаш имкониятидан мени маҳрум қилганлигидан жуда ҳам ачинаман.

— Сизнинг илмий ишингизга ким раҳбарлик қиларди?

— Профессор Го Юй-хэн педагогика университетининг филология факультети деканининг ўринбосари. Профессор фақат текстларнигина тушунишимга ёрдам бериб қолмай, менга лекциялар ҳам ўқирди. Бахтга қарши июль ойида бизнинг машғулотларимиз тўхтаб қолди. Профессор тазйиқ остига олинди ва «зарарли элемент» деб эълон қилинди. Шуни қайд қилишни истардимки, мен Хитойга келишим биланоқ жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим. Мени жимлик деворлари қуршаб олган эди. Бу, хитойликларга чет элликлар билан, айниқса Совет Иттифоқидан келган студентлар ва стажерлар билан гапириш ман қилиб қўйилганлигининг натижаси эди. Мен норозилик эълон қилишга мажбур бўлдим. Чунки Хитойда яшарканман мен гапиришга олмасдим ҳам. Шундан кейин менга бешинчи курс студентлари билан бирга лекция тинглашга рухсат беришди. Бироқ, лекциялар ҳам ҳадемай тўхтаб қолди. Чунки студентларнинг ҳаммаси «маданий революция»да қатнаша бошлади. Июль ойида бизнинг кутубхонамиз ҳам ёпилиб қолди. Мен эса Хитой Халқ Республикасига келганимдан кейин Хитой томонидан ишлаб чиқилган программа бўйича шуғулланишни давом эттириш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлиб қолдим.

— Педагогика университетининг маъмурияти сизга алоқаси бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган бўш вақтингизни адабиёт соҳасидаги билимларни чуқурлаштириш учун фойдаланишингизга ёрдам бермадими?

— Йўқ. Август ойида Хитой бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Лекин у қадимий фалсафий публицистик ишларни ўрганиш программасига мутлақо тааллуқли эмас эди.

— Ётоқхонада Пекиндаги бошқа институтларда таълим олаётган ўз совет ўртоқларингизни қабул қилиш имкониятига эга эдингизми?

— Йўқ. Хитой маъмурлари менга на совет ўртоқларимни қабул қилиш, на уларникига боришга рухсат берди.

— Сиз Хитой зиёлиларининг вакиллари билан учрашиш имконига эга эдингизми?

— Йўқ. Мен Хитой маъмурларидан адабиётчи, танқидчи, Хитой Компартияси Марказий Комитетининг ходими Ли Си-фан билан учрашиш учун имконият беришни илтимос қилдим. Хитойга боргунимга қадар мен унинг қадимий Хитой адабиётига бағишланган китобига тақриз ёзган эдим. Тақриз 1964 йилда «Осиё ва Африка халқлари» журналида эълон қилинган. Менга бу масалани муҳокама қилиб кўриш кераклигини айтишди. Мен кинорежиссёр, «Сочи оқарган қиз» фильмининг постановкачиси Чжан Шуй-хуа билан учрашув ташкил этилишини илтимос қилдим. У билан 1958 йилда таржимон сифатида ишлаган эдим. Бу масалани ҳам муҳокама қилиб кўриш кераклигини айтишди. Мен Хитой адабиётшуноси ва тарихчиси Гэн И-чжун билан учрашишга рухсат сўрадим. У Сун ва Мин даври бадиий адабиёти соҳасида йирик мутахассис. Мен бу йил унинг китобига тақриз ёзганман. Бу масалани ҳам муҳокама қилиб кўриш кераклигини айтдилар. Менинг Хитой ҳамкасбларим билан учрашиш тўғрисидаги бирорта илтимосим ҳам қондирилмади!

— Педагогика университетининг кутубхонаси ёпилгандан кейин ўзингизни қизиқтирган адабиётларни магазинлардан топа олдингизми?

— Йўқ. «Маданий революция» бошлангандан кейин китоб магазинлари ҳам ёпилиб қолди. Мао Цзэ-дуннинг ғояларини мақтамайдиган барча адабиётлар тақиқланди. Кунлардан бирида Педагогика университети канцеляриясининг ходими ўртоқ Тундан «Янги Хитойда классик адабиётнинг тақдири нима бўлади?» деб сўрадим. «Қадимий классик адабиёт кенг омма учун нашр қилинмайди. Бундан кейин у фақат мутахассислар учун чиқарилади», — жавоб берди у. «Қачон?» — деб қизиқиб сўрадим яна. «Бирор тўрт-беш йилдан кейин, — жавоб берди ўртоқ Тунь.

У, шунингдек «Классик адабиёт ёмонлиги учун эмас, балки у 1949—1965 йилларда, яъни адабиётда Чжоу Ян ҳоким бўлган қора кунларда нашр этилганлиги учун тақиқланганлигини» қайд қилди. (Чжоу Ян-Хитой Компартияси Марказий Комитети пропаганда бўлимининг собиқ мудири).

Классик адабиётга бундай муносабат шунинг учун ҳам мужмалки, чунки Мао Цзэ-дуннинг ўзи ҳам 1940 йилда «Янги демократия ҳақида» деган асарида «Хитойда феодал тузумнинг узоқ яшаши даврида ажойиб маданият вужудга келтирилди» деб ёзган эди.

— Хитой маъмурлари сизнинг қадимий фалсафий-публицистик асарларни ўрганиш юзасидан ўн ойлик программани тугаллашингизга имконият беришни хоҳламаётганликларини ким расмий равишда эълон қилди?

— Хитой Халқ Республикаси олий таълим министрлиги бу ҳақда бизнинг Пекиндаги элчихонамизга сентябрь ойида расмий равишда хабар берди. Хитой маъмурлари томонидан менинг кетишим лозим бўлган кунга икки ҳафта қолганда маъмурият уч ойлик танаффусдан кейин мен учун машғулотлар ташкил этди. Уч хитойлик ўртоқ менга бир неча ўнта китоб келтириб берди. Менга ўзимдан анча ёш ўртоқ Ханни илмий раҳбар қилиб бириктишди. 29 сентябрда менинг олдимга ўртоқ Тунь келиб, кетишим яқинлашиб қолганлиги учун ҳам бутун кучимни сарфлаб ишлашимга истак билдириб кетди. 3 октябрь куни Хитой ҳукуматининг барча совет студентлари ва стажерларини Хитойдан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарори муносабати билан мен 6 октябрда, яъни Хитойда бўлиш муддатим тугашидан икки ой олдин чиқиб кетмоқчи эканлигимни айтдим. 5 октябрь куни университетга келиб, ҳужжатларни топширай десам маъмурият жуда ҳам мавҳум ва нопок ўйин бошлади. Кутилмаганда менинг қолишимни таклиф қилишди. Бу суҳбат 3 соат давом этди. Мен машина юборишларини сўраб элчихонага икки марта қўнғироқ қилдим. Бироқ, мени олиб кетиш учун келганларга хитойликлар университетда йўқлигимни айтишибди. Бу ҳақда хабардор бўлганимдан сўнг мен элчихонага ўзим етиб олишга қарор қилдим.

— 8 ой мобайнида сиз программанинг қанчалик қисмини бажара олдингиз?

— Бешдан бир қисмини.

— Олдиндан ишлаб чиқилган план бўйича муваффақиятли ишлашингизга асосан нималар тўсқинлик қилди?

— Июль ойида менинг илмий раҳбарим профессор Го Юй-хэн тазйиқ остига олингандан кейин маъмурият унга тенглашадиган раҳбар топиб бера олмади. Шуғулланаётган темам бўйича библиография тузишимга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Агар мен 10 та китоб буюрсам биттасини, юзта китоб буюрсам ўнтасинигина беришарди. Менинг хитойлик ҳамкасбларим билан алоқа қилишимга имкон беришмади. Рус синологлари фақат ҳозирги асрда эмас, балки ўтган асрда ҳам биринчи манбалар билан ишлашлари сабабли доим ажралиб турардилар. Менга бу соҳада ёрдам беришмадигина эмас, балки маълум программани бажаришимга ҳар томонлама тўсқинлик қилдилар.

— Ўқитувчи Ханнинг машғулотлари профессор Го Юй-хэннинг машғулотларига ўхшармиди?

— Йўқ. Бу илмий раҳбар шуни мағрурлик билан айтдики, у қора ҳукмронлик йилларида (1949—1965 йиллар) бирорта ҳам асар эълон қилмаган эмиш. Акс ҳолда унинг бошига ҳам профессор Го Юй-хэннинг куни тушган бўларди. Ўртоқ Хань фақат Мао Цзэ-дун асарларидан циталар келтириш билангина чекланди.

— Сиз Хитойда икки марта бўлдингиз. 14 йилдан бери Хитой адабиёти ва санъатини ўрганаётган киши сифатида Хитойда охирги марта бўлганингизда сизга кўпинча нималар таъсир қилди?

— Хитой классик адабиётига нисбатан йиртқичларча муносабатни ҳали айтган эдим. Бундан ташқари Хитой классик театрининг тақдири ҳам фожиалидир. У таъқиқлаб қўйилган. 1958 йилда мен «Ғарбга саёҳат» деган машҳур китоб асосида ёзилган 101 та пьесадан 6 тасини кўрган эдим. Ана шу олти кечадан менда унутилмас таассуротлар қолган. Эндиликда хитойликларнинг маънавий дунёсидан ана шу юракни суғуриб олишибди.

— Навбатдаги режаларингиз қандай?

— Мен Хитой адабиёти билан шуғулланишни давом эттираман. Совет кишилари Хитой маданий меросига жуда катта қизиқиш билан қарайдилар. Биз тадқиқот ишларини мустақил давом эттирамиз ва қадимий Хитой авторларининг асарларини янгидан нашрга тайёрлаймиз. Унинг жаҳон маданиятидаги роли ва аҳамияти битмас-туганмасдир.

Виктор УСОВ — М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети қошидаги Шарқ тиллари институти хитой бўлимининг 6-курс студенти. У Пекиндаги тилшунослик институтида ўқиди.

Биз Виктор Усовдан Пекиндаги тилшунослик институтида совет студентларининг ўқиш шароитлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Институт маъмурияти, — дейди у, — бизнинг вазифамизга жуда ҳам бошқача муносабатда бўлди. У биз институтга Хитой тили ва адабиётини ўрганиш учун эмас, балки Мао Цзэ-дуннинг асарларини ёдлаш учун келганмиз деб ҳисоблади. Масалан, тилшунослик бўйича машғулотларда бизга фақат Мао Цзэ-дуннинг асарлари бериларди. Хатто Хитой адабиёти бўйича машғулотларда ҳам Мао Цзэ-дуннинг у ёки бу ғояси бўлмаган роман ёки ҳикоядан бирорта парча ўқитилмади.

Июль ойида тилшуносликдан ўтказилган ёзма имтиҳонларда бизга 20 савол берилган эди. Уларнинг ярмиси Мао Цзэ-дун асарлари билан боғланган. Кореялик студентлар «Биз бу ерга Мао Цзэ-дуннинг асарларини ўрганиш учун эмас, балки хитой тилини ўрганиш учун келганмиз» деганларида, уларнинг баҳоларини пасайтириб қўйишди.

Институтда совет студентларига нисбатан чидаб бўлмас сир ва ишончсизлик ҳукмронлик қилмоқда. 8 ой мобайнида Хитойда ўқиб, мен ўз ўқитувчиларимнинг фамилияларини ҳам билмадим. «Фамилиянгизни айтиб қўйсангиз яхши бўларди» деб илтимос қилганимизда, саволимизга доимо савол билан «Нима учун? Нимага керак бўлиб қолди?» деб жавоб беришарди.

Совет студентлари доимо қийинчиликларга дуч келдилар. Масалан, биз Пекиндаги бирорта кутубхонага киролмасдик.

Ҳикоясининг охирида В. Усов ҳозир Хитойда рўй бераётган «маданий революция» тўғрисидаги таассуротларини ҳикоя қилиб берди.

— Кунлардан бирида, — дейди у, — минглаб студентлар бизга қўшни чет тиллар институтининг аудиторияларига кириб олишди. Институт деворлари ва чор атрофи «дацзи бао»лар билан безатиб ташланган эди. Улардан кўпчилигида Советларга қарши туҳматлар ёзилган эди. Шу ернинг ўзида икки-уч хунвэйбин Мао Цзэ-дуннинг портретини кўтариб олгани, уларнинг атрофида эса студентлар ва ўқитувчилар Мао Цзэ-дунни мақтаб қўшиқлар айтаётганини кўриш мумкин эди.

Июль ойининг бошида институтнинг ўқув корпуси атрофидаги гавжум майдонча кутилмаганда бўм-бўш бўлиб қолди. Бизга студентлар ва ўқитувчилар «маданий революция» ўтказишяпти, дейишди.

Ётоқхона деразаларидан хунвэйбинлар барабанлар овози остида ўзларининг навбатдаги «ови»— қандайдир «қора элементни» жазолагани олиб кетаётганини кўриш мумкин эди. «Айбдор»нинг бўйнига ва елкасига унинг бутун «жиноятлари» ёзилган қора тахталар осилган эди. Сўнгра «суд» бошланиб, у одатда жисмоний жазолаш билан якунланди.

Хитойдан чиқиб кетишимизга озгина вақт қолганда маъмурлар бизга «маданий революция»ни амалда кўрсатишга қарор қилишибди. Ҳаммамизни Пекин университетида очилган «дацзи бао»лар виставкасига олиб боришди. Университетни хунвэйбинларнинг ўзига хос Маккаси деб атаса бўлар эди. Бу ерга ҳар куни бошқа шаҳарлардан ўн минглаб «қизил соқчилар» келиб туришарди. Биз университет деворларида жуда катта «дацзи бао»ни кўрдик. Унда машҳур Хитой тарихчиси, университет проректори профессор Цзян Бо-цзань портрети қора бўёқлар билан чизилган бўлиб, унинг бошараси оқ билан бўяб ташланган эди. Машҳур тарихчи, кекса коммунист, 70 яшар кишини хунвэйбинлар кўчага олиб чиқиб тепкилай бошладилар. Уни қутқариш учун келган аёлининг бошига эса челак кийдириб қўйишди.

Сентябрь ойининг охирида Хитой маъмурияти «маданий революция» муносабати билан машғулотлар бир йилга тўхталишини эълон қилди. Бизга эса «тезроқ жўнаб қолинг!» дейишди. Олдинлари стипендияни бир ойга беришарди. Бу гал фақат 10 октябргача стипендия беришди. Бироқ, шунга қарамай бошқа кўпгина чет эллик студентлар каби биз ҳам кетишимиз тўғрисидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олдик.

Ўша «маданий революция» ҳаммамизнинг ҳам жонимизга теккан эди. У ҳеч қандай маданиятга, ҳеч қандай революцияга алоқаси йўқ бир нарса эди. Биз октябрь ойининг бошида Ватанимизга қайтдик. Пекиндаги тилшунослик институтида биз шуғулланган аудиторияларни ҳозир хунвэйбинлар эгаллаб олишган.

АПН.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Ота-оналар учун. 8.25 — Концерт. 9.30 — «Ялла» концерти. 10.30 — Шарқ куйлари. 11.10 — Экран янгиликлари. 11.20 — Концерт. 12.15 — Эрталабки салом (Москва). 13.00 — Концерт (чорвадорлар учун). 13.30 — Эстрада концерти. 15.20 — А. Удалов. «Сабр косаси» (рус.). 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.40 — Қозоқ куйлари. 19.20 — Концерт. 20.00 — Қўшиқ, рақс ва интермедиялар. 21.20 — Оқшом куйлари. 22.00 — Дунё харитаси олдида. 22.10 — Эстрада концерти. 23.10 — Дам олиш кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.30 — **Физкультура.** 10.55 — Ғунча журнали (болалар учун). 11.15 — **Тайга сирлари** (бадиий фильм).

Рус тилида: 12.35 — **Энс ва Петрушка** (кинофильм). 13.25 — **Асқад Мухтор** (мактаб ўқувчилари учун).

Ўзбек тилида: 14.05 — **Кўча қатнови қоидаларига риоя қилинг.**

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

14.15, 15.15 — **Математика** (ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 17.00 — **Бувини ҳайвонот боғида** (болалар учун). 17.35 — **Телевизион янгиликлар.** 17.50 — **Советский спорт** (киножурнал). 18.00 — **Гимнастлар** (кинофильм). 18.20 — **Эстрада концерти.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Телевизион янгиликлар.** 19.25 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 20.15 — **Чет эл кинохроникаси ва Хизмат мартабаси** (бадиий фильм).

21.50 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 21.55 — **«Ялла» ва рақслар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/XI да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Гулсара.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/XI да кундуз **Кутлуғ қон,** кечқурун **Оқ кабутар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/XI да **Махтумқули,** 28/XI да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи Иван Рубан, ўзбек цирк коллективи, қизиқчилар группаси.**

1966 йил 7 декабрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий советн мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, ижтимоий фанлар бўлимининг конференц-зали)

П. Исроилов — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон колхозчи деҳқонлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун курашда (Фарғона области материали асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 7 декабрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий советн мажлисида (Якуб Колас кўчаси, 16-уй, Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг конференц-зали) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

С. А. Саидхўжаев: «Картошкани кесак ва тошлардан ажратишда радиометрик усулдан фойдаланиш имкониятини тажриба-назарий йўл билан текшириш» деган темада.

М. Д. Челюканов: «Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилаётган ерларида ғўзани эгат тортиб суғоришни такомиллаштириш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

30 НОЯБРДА УСТЬ-КАМЕНОГОРСК ШАҲРИДА 1947 йилги

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ

114-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ бўлади.

Тиражда заёмнинг йигирма икки разрядига 10.230.440 сўмлик 187090 ютуқ ўйналади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

СИРТҚИ БЎЛИМИНИНГ:

агрономия (суғориладиган ва лалмикор деҳқончилик), **зоотехния** (умумий зоотехния, паррандачилик), **қоракўлчилик, ветеринария ихтисосларига** (I-курсга)

1966/67 ўқув йили учун

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ветеринария факультетининг сиртқи бўлимига фақат ветеринария техникумини тамомлаган ҳамда даволаш ва ветеринария муассасаларида камида уч йил ишлаган кишилар қабул қилинади.

Институт ректори номига ёзилган (танлаган ихтисоси ва факультети кўрсатилган) аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: олий ўқув юртига кириш учун характеристика, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли, таржимаи ҳол, соғлиги ҳақида медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан справка, турар жойдан справка, 3x4 сантиметр ҳажмида бош кийимсиз тушган 4 та фотокарточка.

Аризалар 30 декабргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2 январдан 31 январгача ўтказилади.

Ҳамма ихтисосларга кирувчилар: химиядан (оғзаки), физикадан (оғзаки), рус (ўзбек) тили ва адабиётидан (иншо) имтиҳон топширадилар.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафидан 1960—1961 йилларда бўшаганлар, ўрта маълумотли офицерлар конкурссиз қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 77-уй.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИГА

умумий электротехника, сиёсий иқтисод ва жамиятшунослик, техник механика, теплотехника, сантехника ишларини бажариш, станок ва механизм ихтисосларига доир

ЎҚИТУВЧИЛАР

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 32-уй. Телефон 4-24-42, 4-01-95.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ

лабораторияларнинг вакант вазифаларида ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Антибиотиклар — старший илмий ходим (биохимик), младший илмий ходимлар (микробиолог, биохимиклар—2 ўрин);

биокимё процесслари—младший илмий ходимлар (биохимиклар—2);

вирусология — старший илмий ходимлар (вирусологлар—2), младший илмий ходим (вирусолог), младший илмий ходим (вирусолог-биохимик);

тупроқ микробиологияси — старший илмий ходим (микробиолог), младший илмий ходимлар (микробиологлар—4);

протистология — старший илмий ходим (протистолог);

микроорганизмлар селекцияси ва ўзгарувчанлиги — старший илмий ходим (микробиолог), младший илмий ходимлар (микробиологлар — 2, биохимик);

микроорганизмлар цитологияси — младший илмий ходимлар (микробиологлар — 4);

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган кишилар қатнаша олади.

Конкурс муддати—11/XII гача.

Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Луначарский посёлкаси, Академия шаҳарчаси.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги—В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В39003, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08941.